БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил 16 январь Сешанба
№ 11 (13.147). Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Москвага қайтиб келдилар

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев 13 январда Вильнюсдан Москвага жўнаб кетди.

Аэропортда уни ЛКП Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Бразаускас, ЛКП (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) Марказий Комитетининг секретари М. Бурокявичюс, Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. Астраускас, республика Министрлар Советининг Раиси В. Сакалаускас кузатиб қолдилар.

* * *

Кечқурун М. С. Горбачев Москвага етиб келди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ю. Д. Маслюков, КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош редактори И. Т. Фролов ҳам Москвага қайтиб келдилар.

(ТАСС).

РЕСПУБЛИКА ФАОЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

ВИЛЬНЮС, 13 январь. (ТАСС). Бугун Литва ССР пойтахтида республика партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди, йиғилишда Литва Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари билан ЛКП (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитетининг аъзолари қатнашдилар.

Йиғилишда М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ю. Д. Маслюков, КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош редактори И. Т. Фролов, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг бир гуруҳ қатнашчилари иштирок этдилар.

Литва сафари якунлари юзасидан

ВИЛЬНЮС, 13 январь. (ТАСС). М. С. Горбачевнинг Литва ССРда бўлиши якунлари юзасидан бу ерда совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Матбуот конференциясини В. А. Медведев, Ю. Д. Маслюков, И. Т. Фролов ўтказдилар.

Бўлиб ўтган учрашувлар давомида, деди В. А. Медведев, Литва фуқаролари билан рўй-рост гаплашилди. Ҳеч ким ўз фикрлари ва эътиқодларини яширгани йўқ. Партиянинг мустақиллик мақомини билдирган ЛКП XX съездининг қарорларини қўллаб-қувватловчи кишиларнинг нуқтаи назари кўпроқ баён этилди.

Афсуски, деди у сўзини давом эттириб, эҳтирослар ва кучли ҳис-туйғулар баъзан ўзаро фикрлашишга тўсқинлик қилди. Аммо бошқача нуқтаи назар ҳам айтилди. Шу съезднинг қарорларига қўшилмаган, бу қарорларни партия, совет раҳбарияти позицияларига, қайта қуришга зарба деб ҳисоблаётган кишилар шундай фикрни баён этдилар.

Мамлакат партия раҳбариятининг аъзолари республикадаги вазиятни яхши тушуниб турганликлари таъкидлаб ўтилди. Биз республика кўпгина меҳнаткашларининг қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватлашлари тўғрисидаги ваъдаларини олиб кетаяпмиз. М. С. Горбачев Литва халқи орасида зўр обрў қозонганлигини тушуниб кетаяпмиз, деди В. А. Медведев. Литва диёрида бўлиб ўтган мулоқот ва фикрлашувлар вужудга келган муаммоларни амалий равишда ҳал этиш йўлларини излаш мақсадида давом эттирилади. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг принципиал позицияси сақланиб қолаётганлигига эътибор қаратилди, бу позиция КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг Литвадаги сиёсий вазият юзасидан қабул қилган қарорларида баён этилган.

(ТАСС).

Комсомолда ҳисобот ва сайловлар

Пленумлар кун тартибида ташкилий масалалар

НУКУС. Бу ерда вилоят комсомол ташкилотининг конференцияда сайланган вилоят комсомол қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Пленумда О. Абдумажидов вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби, В. Алексеенко вилоят комсомол қўмитасининг иккинчи котиби ва А. Иброҳимов билан О. Тоубоевалар вилоят комсомол қўмитасининг котиблари этиб сайландилар.

Пленум ишида вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. Д. Ниетуллаев, ҚҚАССР Олий Советининг Раиси Т. А. Ешимбетова, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби Н. М. Курзанова ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби И. Бибиковлар иштирок этишди.

* * *

УРГАНЧ. Бу ерда Хоразм вилоят комсомолларининг XXV ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят комсомол қўмитасининг янги состави сайланди ва улар иштирокида биринчи ташкилий пленум бўлди. Пленум Б. Менглиевни вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби, Г. Титовни иккинчи котиби, К. Иброҳимов ва Г. Қурбонбоеваларни котиблари этиб сайлади.

Пленумда вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Р. М. Худойберганова, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби А. Қодиров ўртоқлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

Пленум ишида вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби Л. И. Нетяга, вилоят партия қўмитасининг котиби Ғ. И. Машарипов, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг масъул ходими Д. Карханин ва «Ёш ленинчи» газетаси муҳаррири Ж. Разгоқов ўртоқлар қатнашдилар.

(Вилоят комсомол ҳисобот-сайлов конференциялари ҳақидаги материалларни газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқийсиз).

ВЛКСМ XXI съезди делегатлари

ОПА-СИНГИЛЛАР

Опа-сингил Ҳакимоваларнинг Ленин комсомоли XXI съездига делегат бўлиб сайланганини вилоят конференциясида эшитдим. Конференция сўнггида улар билан суҳбатлашдим.

— Синглимни конференцияда учратаман, деб ҳеч ҳам ўйламаган эдим, — дейди Озода (У Ленин йўли комсомол қўмитаси котиби). — Жудаям хурсанд бўлдим. Мен унинг Шўрчи ноҳия комсомол қўмитаси бюро аъзоси эканлигини билардим. Лекин иккаламизнинг ҳам Москвага, олий комсомол анжуманига делегат бўлиб сайланишимиз кутилмаган ҳол.

— Мен Шўрчидаги мебель фабрикасида оддий ишчи бўлиб ишлайман, — дейди Рўзихол. — Опам турмушга чиқмасларидан олдин ноҳиямиздаги комсомол қўмитасида инструктор вазифасида ишларди. Ўша кезларда унинг ташвишларга кўмилиб юрганига кўп бор гувоҳ бўлганман. Бундан гоҳ қувонсам, гоҳ унга ҳавасим келарди. Бора-бора бу «касаллик» менга ҳам юқди.

— Сизларнингча XXI аср комсомоли қандай бўлиши керак?

— Давримиз жуда ҳам шиддаткор, — дейди Озода саволимга жавобан. — Биз комсомол ходимлари эса давр билан ҳамнафас бўлолмаяпмиз.

— XXI аср комсомоли — у ҳар томонлама етук, баркамол бўлиши керак. Ҳозирги кунда эса комсомолга бундай баҳо бериб бўлмайди. Балки унинг обрўси тушиб кетишига ҳам шу сабабдир? — дейди Рўзихол.

Комсомол ходимининг иш вақти чекланмаган. Куни «югур-югур», «чоп-чоп» билан ўтади. Бунинг устига эрта кетиб кеч келади. Оила, рўзғор ташвишлари ҳам иккинчи планга сурилади.

Озода ҳам буни инкор этолмайди. Яхшиямки, турмуш ўртоғи уни тушунади. У педагог. Энди атак-чечак қилаётган ўғиллари Обиджонга қараш ҳам кўпроқ унинг зиммасида.

— Озода комсомолсиз ўзини тасаввур этолмайди, — дейди унинг турмуш ўртоғи Нурхон Тўраев. — Кўп ҳолларда унга руҳий мадад бераман, қўллаб-қувватлайман.

Озода ва Рўзихол — опа-сингилларнинг ташвишлари етарли. Ахир комсомол қаддини тикламоқ учун улар жон куйдирмаса, ким жон куйдиради?

Муҳаммад АМИН.



СУРАТДА: опа-сингил Озода ва Рўзихол Ҳакимовалар.

Муаллиф суратга олган.

Ҳозирги пайт тўғрисида

ОЗЧИЛИК ҲАМ ҲУҚУҚҚА ЭГА

ВЛКСМ XXI съезди арафасида союз Устави, ички союз турмуши нормалари қандай бўлиши хусусида мунозара қизиб кетди. Кўпгина кулфатларимизга сабабчи бўлган демократик централизм принципи теварагида баҳслар янада кўпроқдир.

Тарих ҳақида икки оғиз сўз. РСДРП иккинчи съездида партиянинг барча иши оддий кўпчилик овоз билан ҳал этилиши, Марказий Комитет қарори эса барча ташкилотлар учун ижро этилиши шарт эканлиги тўғрисидаги қоида Уставга киритилган эди. Бироқ, «демократик централизм» тушунчасининг ўзи бўлган эмас, бу тўртинчи съездда пайдо бўлган.

ВКП (б) XIV съезди демократик централизмга партия ташкилий тузилишининг раҳбар принципи сифатида, унинг худудий белгисига қараб тузилиши боғланган ҳолда таъриф берилган эди. 1934 йилда XVII съездда ана шу принципга мана бундай маъно берилган: қуйи органлардан тортиб, юқори органларгача барча раҳбарлик органлари сайлаб қўйилади, улар ўз ташкилотлари олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб турадилар, интизомга қаттиқ риоя қилинади, озчилик кўпчиликка бўйсунади, юқори органларнинг қарорлари қуйи органлар ва барча коммунистлар учун мутлақо мажбурийдир. XXVII съездда бу рўйхат ишда коллективчилик ва ҳар бир коммунистнинг ўз бурчларини ҳамда топшириқларини бажариши учун шахсий масъулияти тўғрисидаги қоида билан тўлдирилган эди.

Комсомолга келганда шуни айтиш керакки, у партиявий таърифлардан шунчаки нусха кўчирган. Комсомол Уставларида ташкилотнинг худудий белгисига қараб тузилиши раҳбарлик органларининг сайлаб қўйилиши ва ҳисоб бериши, қуйи органларнинг юқори органларга бўсуниши демократик централизм билан боғланган. Бу принцип таърифининг бирор-бир барқарор бўлмаганлиги эътиборни ўзига тортади. Жумладан, учинчи съездда у фақат худудий тузилиш билан боғланган. Тўртинчи съездда бу қоида олиб ташланади, бешинчи съездда яна тикланади, еттинчи съездда яна Уставдан ғойиб бўлади. 1936 йилда бўлган ўнинчи съездда демократик централизм принципи таърифи ВКП (б) XVII съезди томонидан қабул қилинган партия Уставидан нусха кўчирилади, XX съездда эса партия XXVII анжуманида қандай ўзгартирилган бўлса, шу таъриф билан тўлдирилади.

Ҳар қандай ижтимоий организм ҳаётий фаолият кўрсатиши учун демократия ва централизмни уйғунлаштириш зарур, бусиз ҳар қандай сиёсий йўналишда бўлган ташкилотнинг яшаши мумкин эмас.

Мамлакатимизга келганда шуни айтиш керакки, кўп ўн йилликлар мобайнида централизмга биринчи даражали аҳамият бериб келинган... Ана шунга қарамай, гап принципда эмас, балки уни қўллашда, деб ўйлайман.

Ҳақиқатан ҳам, «қуйи органлардан тортиб, юқори органларгача барча раҳбарлик органлари сайлаб қўйилиши» нахотки демократик эмас? Бироқ, у қандай, қандай шаклда амалга оширилаётир? Комсомол ва партия номзодларининг юқоридан номенклатуралари, «тавсияномалари» (20-йилларда нарсалар ўз номи билан айтиларди — бу янгилик эди), партиявий бўлиши шартлиги, анкета маълумотлари билан аниқлаш бу демократик мезоннинг оёғини осмондан қилиб чаппасига ағдаришдир. Шу билан бир пайтда XX съезд арафасида пайдо бўлган котибларни тўғридан-тўғри сайлаш, номзодларнинг муқобил тарзда сайлаш, съезднинг ўзида жорий қилинган съездлар ва конференциялар ўртасида органларнинг таркиби раҳбарларини учдан бирига алмаштириш имконияти демократик централизм принципидан чекиниш бўлган эмас.

Ёки кўпчилик овоз билан қарорлар қабул қилиш, озчиликнинг унга бўйсунишини олайлик. Бу фақат ташкилотларнинг эмас, балки бутун кундалик турмушимизнинг оддий қоидаси ҳамдир. Бу билан озчиликнинг фикри рад этилмайди, лекин турмушда эса айнан шундай бўлган. ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1925 йил пленумида Н. И. Бухарин айтган эдики, фақат Ленин озчиликка тушиб қолганда ҳақ бўлиши мумкин эди, ҳозир Ильич йўқ экан, озчилик ҳақ бўлиши мумкин эмас. Партия назариётчисига барча ҳурматни бажо келтирган ҳолда у билан келишиш мумкин эмас. Ленин сингари ҳар бир киши ўзининг нуқтаи назарини тўғри деб ҳисоблашга ва уни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблаш лозим. Демократик централизм на бу ҳуқуқни, на фракциялар ташкил этишни рад этмайди, бусиз ўз-ўзини камол топтиришни ривожлантириш мумкин эмас.

ВЛКСМ умумий йўлини ва вазифаларини амалга оширишда бирлик тўғрисидаги демократик централизм принципи ташкилотларнинг кенг ташаббускорлик кўрсатиши билан тўла мос тушади, уларни рўёбга чиқаришда шакллар ва усулларни танлаб олишда мустақилликни назарда тутади. Бошқача қилиб айтганда, исталган ячейка ўз фаолиятини ташкил этиш учун чекланмаган имкониятга эга.

Фикримча, шунинг учун энг асосийси демократик централизм принципи моҳиятидан тўлақонли фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишдан, уни ички союз турмушининг уставий нормаларига асос қилиб қўйиш керакки, турли хил йўриқномалар бу принципларни тўмтоқ қилиб қўйиш имкониятига эга бўлмасин.

«Комсомольская правда»да эълон қилинган Уставнинг уч лойиҳаси бу йўналишда олға қўйилган одим бўлди. В. Зюкин гуруҳи демократик централизмнинг ҳозир амалда бўлган принципини талқин қилишни асосан қолдириб, озчиликнинг ҳуқуқлари тўғрисида ўзининг нуқтаи назарини билдиради. М. Сотников коллективи томонидан ҳам ана шундай йўл тутилган ва янги — «демократик бирлик принципи» тушунчаси киритилган. Мен кўпроқ А. Бекнинг ёндашувини ёқлайман, у демократик централизм асосида ички союз турмушини таъминловчи ташкилий тузилиш принципларини шакллантириб беради.

Келгусида Уставда демократик централизм принципларини баён қилиб берувчи анъанавий қоидалардан воз кечиш керак. Чунки улар ички союз турмушининг уставий нормалари сифатида иккинчи даражали бўлиб таърифланади. Бу ўринда ҳар ҳолда зиддиятлар мавжуд, бир томондан, қуйи органлардан тортиб, юқори раҳбарлик органларигача сайлаб қўйиш, иккинчи томондан эса, комитетлардан то ноҳия комсомол комитетлари ҳамда ундан юқори ташкилотлар котиблари учун партиявий бўлиши шартлигидир.

Мулоҳаза қилиб кўриш учун ички союз турмушининг бир неча принципларининг таърифланишини келтириб ўтмоқчиман.

— Раҳбарлик органларини шакллантиришни қуйидан тортиб, юқори ташкилотларгача уларнинг таркибини чекланмаган ҳолда янгилаш ҳуқуқи билан мазкур орган ёки ташкилотлар бирлашмаси ташаббуси бўйича сайлаб қўйиш ёки делегат юбориш (ҳар бир айрим олинган ҳолда комсомолларнинг ўзлари тартибларни белгилайдилар) асосида ўтказилади.

Комсомол комитетларининг саркотиблари муқобил номзодлардан тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Улар ўрни бўшаб қолган ҳолларда саркотиблар комсомол комитетларининг ўз таркибидан ёки комсомол ташкилотлари таклиф этган номзодлардан сайланадилар. Исталган ходимни бўшатишни уни сайлаган ёки тайинлаган органнинг ёлғиз ўзи ҳал этади. Исталган раҳбарлик лавозимига комсомоллар ёки коммунистларни сайлаш ташкилот ўз аъзоларининг хоҳиш иродаларига боғлиқдир.

— Бирлашган ташкилотлар олдида камида ярми **ишонч билдирган тақдирда** комсомол органларининг йиллик мажбурий ҳисоботи берилади. Ташкилотларнинг учдан бир қисмидан кўпи ишончсизлик билдирган тақдирда уни қайта сайлаш муддатидан олдин амалга оширилади. Конкрет шахсга ташкилотларнинг учдан бир қисмидан кўпи ишончсизлик билдирган пайтда унинг аъзолик масаласи комитет пленуми томонидан кўриб чиқилади. Қуйи комитетларнинг юқори ташкилотлар олдидаги мажбурий ҳисоб бериши коллегиал тарзда белгиланган система ва шаклда амалга оширилади.

— Қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Озчилик улар қабул қилингандан кейин ҳам ўз фикр-мулоҳазасини тарғиб қилишга, юқори органдан уни қайта кўриб чиқишни ҳамда асосланган хулосага келишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Принципиал масалалар юзасидан масалаларни ҳал этиш уларни муҳокама қилишда қатнашаётганларнинг хоҳишига мувофиқ консенсус, яъни ягона келишиш принципи асосида қабул қилинади.

Қарорлар қабул қилингандан кейин барча ташкилотлар ва ВЛКСМ аъзолари уларни бажаришлари шарт. Бу уни танқид қилишни, масалани такрор кўриб чиқишни талаб этиш имкониятини истисно қилмайди.

Бутун ташкилотларнинг манфаатига дахлдор бўлган ғоят муҳим масалалар раҳбарлик органнинг ёки ташкилотларнинг камида учдан бир қисми талабига биноан қарор бўйича референдумлар асосида қабул қилинади.

— Барча ташкилотларнинг ва раҳбарлик органларининг ишдаги коллективчилик ҳамда коллегиаллик топширилган иш учун шахсий масъулият билан уйғунлаштирилади. Тажрибани умумлаштириш ва фаолиятнинг йўналишларини белгилаб олиш учун раҳбарлик органларида ярми бошланғич ташкилотларнинг вакилларидан иборат бўлган комиссиялар тузилади.

— Комсомол органлари кундалик ишларни юритишлари учун уларга бутунлай бўйсунувчи аппарат ташкил этадилар. Аппаратнинг тузилиши ва штати, унинг бюджети унга бирлашган ташкилотларнинг иштирокида ҳамда розилиги билан белгиланади. Комсомолларни бошқа ишлардан озод этилган ўринга кўтариш улар ҳисобда турадиган бошланғич ташкилотларнинг фақат розилиги билан амалга оширилади. Аппаратнинг барча ходимлари бошланғич ташкилотлардан бирининг ҳисобида турадилар, вақти-вақти билан улар олдида ўз фаолиятлари тўғрисида ҳисоб бериб турадилар.

Ички союз турмушининг келтириб ўтилган принциплари, менимча, ҳар бир комсомол ташкилоти ўзининг ҳақиқий қиёфасига эга бўлиш, ўз ишини унга бирлашган комсомолларнинг талаблари ҳамда қизиқишлари асосида қуриш имкониятини беради.

В. КРИВОРУЧЕНКО,
ВЛКСМ Марказий Комитети ҳузуридаги Олий комсомол мактаби илмий-тадқиқот марказининг профессори.

(«Комсомольская правда»дан).

Меросимизни ўрганамиз

«КАРВОН КЎРДИМ...»

«Буюк ипак йўли — дўстлик ва ишонч йўли». Ёдингизда бўлса, 1989 йилда ЮНЕСКО ташкил этган экспедициянинг номи шундай деб аталарди. Хитойни Ўрта Осиё ва Европа билан боғлаган қадимий карвон йўлига бўлган қизиқиш АҚШ, Буюк Британия, Япония ва Совет Иттифоқи олимлари, журналистлари, жамоатчилик ташкилотлари вакилларини ана шу экспедицияга бирлаштирди. Дастлабки довон ошиб ўтилди. 1991 йилда халқаро экспедиция навбатдаги дўстлик, тинчлик маршрути бўйлаб йўлга чиқади. Тўпланган маълумотлар юзасидан ЮНЕСКО тасарруфига ҳамда СССР Нозирлар Кенгашига ҳисобот топширилади. Бу эса тарихан диққатга сазовор жойларни қайта тиклаш, йўлларни ва тарихий обидаларни таъмирлаш каби ишларга жамғарма тўплашга асосий омил бўлади.

Йўлдош Охунбобоев номидаги Халқлар дўстлиги орденли Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Ипак технологияси кафедрасининг ташаббуси билан «Буюк ипак йўли — дўстлик ва тинчлик йўли» илмий ёшлар экспедицияси ташкил қилинди. Талабалардан иборат делегация 1990 йилнинг ёзги таътил кунлари июль-август ойларида, Ўрта Осиёнинг уч жумҳурияти: Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон шаҳарлари, қишлоқларида бўлади.

Илмий ёшлар экспедициясининг вазифаси Халқаро экспедициядан фарқли ўлароқ, Ўрта Осиё жумҳуриятларидаги қадимий карвон йўлларини аниқлаш, машҳур меъморий ёдгорликларни шунчаки юзаки эмас, балки чуқурроқ ўрганиш, ҳамда халқлар дўстлиги, Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлар, анъаналари, музейлар, маҳаллий ёшлар ташкилотлари, ипакчилик корхоналари билан танишиб, бой тажрибаларни тарғиб қилишдан иборат.

Тайёргарлик ҳозирдан бошлаб юборилди. Институт комсомол қўмитаси томонидан тасдиқланган конкурс низоми бўйича номзодлар танлаб олинаяпти.

— Аълочи, жамоатчи, ташкилотчи ва ташаббускор талабалардан тузиладиган илмий ёшлар экспедициясига номзодлар институт, факультет жамоат ташкилотларида, ўқув группаларида қизғин муҳокама қилиб, кўрсатиляпти, — дейди экспедиция бошлиғи, ипакчилик технологияси кафедрасининг доценти Ш. Қодиров. — Ҳадемай бевосита ишга киришамиз. Ўйлаймизки, экспедициядан кўзланган мақсадга тўла эришилади.

Бу фикрга ишониш мумкин. Чунки институт ректори томонидан тасдиқланган илмий ёшлар экспедициясининг иш режаларида бўлажак тадбирлар чуқур ўрганиб чиқилган. Экспедиция вакиллари дўстлик ва тинчлик маршрути давомида совет ёшлари турмуш тарзини тарғиб қилишлари билан бир қаторда лекциялар, маърузалар, суҳбатлар, турли кечалар ташкил қилишиб, иштирок этишади. Маҳаллий халқ вакиллари билан, қадимий карвон йўли ўтган ўлкаларнинг бугунги куни билан чуқурроқ танишадилар ва махсус альбомлар, кўргазмали стендлар, мақолалар тайёрлайдилар. Барча қилинган ишлар ҳисоботи ЮНЕСКО тасарруфига ва СССР Нозирлар Кенгашига юбориладии.

А. АБДУҒАФФОРОВ,
илмий ходим.

Иқтисодиёт янгиликлари

КОМПЬЮТЕР ИШГА ЖОЙЛАШТИРАДИ

ХОРАЗМ вилоят ишга жойлаштириш марказидаги компьютернинг ёрдами билан юзга яқин киши ўзига иш топди.

ЭҲМ хотирасига вилоят корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларидаги бўш жойлар тўғрисида маълумотлар киритилган. Бундан ташқари, компьютер кўнглига ёқадиган иш топишни хоҳловчи юзлаб кишиларни «ёдида» сақлайди. Ана шу ЭҲМ даъвогарларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ва иш стажини ҳисобга олган ҳолда улар учун мақбул вариантни қидириб топади.

Электроника аҳолининг иш билан бандлиги масаласини ҳал этишда фақат вилоятдагина ёрдам бериб қолмайди. Тез орада у оилаларни мамлакатнинг ишчи кучлари етишмаётган турли ноҳияларига уюшган ҳолда кўчириш билан ҳам шуғуллана бошлайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ анчагина хоразмликлар Чита ва Кострома вилоятларидаги ўрмонлар ва чорвачилик фермаларида меҳнат қилишмоқда.

ИНКУБАТОРДА — «ГАММА—ЖЎЖАЛАР»

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академияси биохимия институтининг олимлари товуқ тухумини инкубаторга қўйишдан олдин уни безарар гамма нурлари остига қўйдилар. Доза — жуда кичик, пляжда тобланган одам тахминан шунча нурланиш олади. Натижа эса ғаройиб: нурланган тухумдан чиққан жўжа одатдагидан тезроқ ўсади, улғайганида эса бошқа товуқларга нисбатан бир ой олдин тухумга киради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий приборсозлик марказий конструкторлик бюроси институт буюртмасига кўра бир сменада 40 мингта тухум қўйиш мумкин бўлган дастлабки саноат қурилмасини ишлаб чиқди. У Ильич номли паррандачилик бирлашмасида ўрнатилди. Йил якунларига кўра иқтисодий самара ярим миллион сўмни ташкил қилди.

«Витостим» деб номланган иккинчи қурилма ҳам ишга туширишга тахт қилиб қўйилди. У илгариги қурилмага нисбатан учдан бир баравар кучлироқ, унга тўрт киши эмас, атиги бир киши хизмат кўрсатади, қўлда бажариладиган бир қанча ишлар автоматлаштирилган. Тошкент бройлер паррандачилик фабрикасида уни ўрнатиш ишлари тугалланаяпти. Ўзбекистондаги бошқа паррандачилик фабрикаларидан, Болтиқбўйи ва Москва вилоятидан ҳам «Витостим» қурилмаси учун буюртмалар олинди.

ЯНГИ КОНЛАРНИ ИЗЛАБ

ОРОЛ денгизининг ғарбий соҳилидаги «Муруи» деган яйдоқ жойда табиий газ отилиб чиқа бошлади. Қорақалпоғистон нефть ва газ қидириш экспедициясининг коллективи ўтган йил программасини ана шундай муваффақиятли иш билан якунлади. Устюрт ва жанубий Оролбўйини қамраб олувчи кенг территорияда бурғиланган жами чуқурлиги 31 минг метрлик қудуқлар орқада қолди. Тўғри, ер қаърини қидирувчилар ўз топилмаларидан хурсанд бўлиб, дўппиларини осмонга отишга шошилишмаяпти. Ёқилғи запаслари ҳажмини аниқлашда хатога йўл қўймаслик учун қидирув ишлари давом эттирилмоқда. Чинакамига катта манбадан дарак берувчи кучли газ оқими чиққанидагина янги кон ҳақида гапириш мумкин бўлади. Газ запаслари ҳажмини аниқ белгилаш учун қўшимча қудуқлар бурғиланади. Ҳозирча эса олинган маълумотлар лабораторияларда синчиклаб ўрганилмоқда.

(ЎзТАГ).

Жумҳурият янгиликлари

НОРИН ноҳиясидаги «Ўзбекистон» колхози меҳнаткашларининг икки юздан зиёд оиласи шу ерда, қадрдон хўжаликда ўстирилган дарахтлардан фойдаланиб, уй қуришлари мумкин.

...Колхозчилар саккиз йил муқаддам ялангликда узоқни кўзлаб терак кўчатларини экишган эди. Энди эса қурилиш учун ёғоч-тахта тайёрлаш пайти келди. Шахсий уй қурувчи колхозчилар кескин кўпайиб кетган ҳозирги пайтда қўшимча ёғоч-тахта, айниқса қўл келди.

Қўшни хўжаликлар — «СССР 50 йиллиги» ва «Пахтакор» колхозлари меҳнаткашларининг ҳам ёғоч материаллари сотиб олишдаги ташвиши анча камайди. Бу ерда ҳам бир неча йил аввал экилган тераклардан ёғоч-тахта тайёрланаяпти. Ноҳиядаги бошқа хўжаликлар ҳам улардан ўрнак олишга аҳд қилдилар.

* * *

Шу ноҳиядаги «Коммунизм» колхозининг меҳнаткашлари энг зарур саноат ва озиқ-овқат молларини куннинг исталган вақтида сотиб олишлари мумкин: пенсионер Ҳ. Воҳидов ўзи учун янги ишга қўл уриб, касаначи дўкондор бўлди.

Хизмат кўрсатишнинг бундай шакли қишлоқ аҳлига маъқул келди. Қишлоқда савдо қилинадиган бинолар ҳозирча етишмай турганлиги сабабли шундай қилишга мажбур бўлинди. Лекин бу анчагина самарали йўл бўлиб чиқди. Уйдаги дўкон туфайли харидорларнинг ҳам вақти тежалмоқда, савдо ходимлари ҳам фойда кўришаяпти. Энди товар оборот плани муттасил бажарилмоқда. Бу йил ноҳияда яна 15 та шундай дўкон очиш режалаштирилаяпти.

* * *

САМАРҚАНДЛИК кооператорлар рангли шишадан гулдонлар, конфет солинадиган идишлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқара бошладилар. Улар вилоят матлубот уюшмасига қарашли саноат қурилиш материаллари бирлашмасининг цехларидан бирида синиқ шишаларни эритадиган тежамкор горелкали печь қурдилар. Шишадамгар усталар Обид Акромов билан Бахтиёр Ваҳобов ана шу арзон хом ашёдан ажойиб буюмлар тайёрламоқдалар.

Маҳсулотнинг дастлабки туркумлари харидорлар орасида талаш бўлиб кетди. Энди кооператорлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шишадамгарларнинг уч сменада ишлашини ташкил қилиш тўғрисида ўйлашаяпти.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар



«Ватан қалқонлари» клубининг раиси Талъат Муродовнинг шунчаки яшаётган инсон эмаслигини бирга ишлаётганлар сезишди. Уни Самарқанд вилояти XXV комсомол конференциясида Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодини кўрсатишди.

Қобил Ҳасанов (ўнгда) Талъат билан нималар ҳақида гаплашганини эшитмай туриб айтиш қийин. Лекин уларни ҳаммаслак десак янглишмаймиз. Чунки Оқдарё ноҳия комсомол ташкилотининг пленумида ёшлар уни номзодини ҳам Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатишди.

Е. БОТИРОВ сурати.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ЕЧИМ

УНИ ҲАММА ВАҚТ ТОПА ОЛАМИЗМИ?

Хоразм вилояти комсомол қўмитаси ва ички ишлар бошқармаси ҳамкорликда ўтказган вояга етмаган ўсмирлар билан ишлаш мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилишида иш ўрганиб ўтилган услубда бошланди. Қўмитанинг бўлим мудири У. Исмоилов ўтган даврдаги ишлар юзасидан қисқагина ахборот берди. Сўнг, қатор ноҳиялардан таклиф қилинган ички ишлар бўлими ходимлари, ижроқўмлар қошидаги махсус комиссияларнинг раислари, маориф бўлими ходимлари маърузалар билан чиқишди. Маърузаларда узундан узун фактлар келтирилди, рўй берган ҳодисалар саналди. Ўтган йил ва амалдаги йилнинг саккиз ойида ўсмирлар ўртасида қанча қонунбузарлик ҳолатлари, жиноятлар содир этилгани, қанча нафар тарбияси оғир болалар ҳисобга олингани, ўтказилган йиғилишлар, кўрилган чора-тадбирлар...

Аслида бу қуруқ рақамлар, фактларнинг ортиқчалиги кўриниб турарди. У. Исмоилов ахборотида ўсмирлар ўртасида жиноят содир этиш ўтган йили 23 фоизга, саккиз ойда эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 марта ошгани, жами 836 нафар вояга етмаган ёш ва 139 нафар фарзандлари тарбияси билан шуғулланмаган ота-оналар рўйхатга олингани, ҳуқуқбузар болаларнинг тенг ярмиси ҳунар-техника билим юртлари ва мактабларда ўқиши, ҳар учдан бири ишламаслиги, ҳар бешдан бири эса комсомол аъзоси эканлиги эслатилганди. Маъмурий ва жиноий тарзда жавобгарликка тортилган 125 нафар ВЛКСМ аъзосининг ярми комсомол сафидан ўчирилган. Ҳатто тарбиячиларнинг ўзлари тарбияга муҳтожлиги, бир педагог жиноят содир этгани, тўрт нафари хушёрхонада тунагани, ўн нафари майда безориликка қўл ургани эътибордан четда қолмади. Тўққиз нафар ўсмир — кўпчилиги қизлар — ўз жонига қасд қилгани... масалага жиддий ёндашиш зарурлигидан огоҳ этарди.

Йиғилиш ҳаками — вилоят комсомол қўмитаси котиби З. Отаев маърузачилардан факт ва рақамларни санаш эмас, нималар қилиш кераклиги ҳақида амалий таклиф билдиришларини бир неча марта эслатгани, вилоят прокурори ёрдамчиси М. Николаев, ички ишлар бошқармаси бошлиғи В. Лесних нотиқларни саволлар билан тўхтатиб қўйишгани... йиғилишнинг бошқача изга кўчишига олиб келди. Урганч шаҳар прокурори М. Отабоев мувофиқлаштирувчи кенгашнинг бу фаолияти ҳеч нима бермаслиги, эндиликда йиғилишни бир хил тарзда эмас, айтайлик кейинги йиғилишга қадар маълум бир ноҳиядаги бу борада қилинган ишларни чуқур ўрганиб, қониқарсиз бўлган ҳолда масъул ўртоқларни вазифаларидан олиб ташлашга қадар жазолашни... буни у масъул бўлганларнинг участкадан бошлашни таклиф этди.

Хива ноҳияси ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Х. Ражабов халқ судларининг жиноят содир этган ўсмирларга нисбатан кўнгилчанлик қилаётганини куйиниб гапирди. Масалан, Ш. Полвонов икки марта ҳуқуқни бузганида халқ суди жазо чораси тайинлаб, муддатини кечиктирди. Натижада, у ёнига ҳамроҳ тўплаб, каттароқ жиноятга қўл урди. Шундан сўнггина уни озодликдан маҳрум этишди. Инсонпарварлик керак, аммо интизом-чи? Урганч шаҳар халқ таълими бўлими мудири О. Абдуллаев шаҳардаги 21 минг нафар ёш учун атиги иккита ўсмирлар клуби ишлаётганини айтди.

— Бизда, — деди у, — ҳисобга олинган ўсмирлар комиссия аъзоларига бириктиб қўйилади. Ўзимга ҳам шундай иккита ўсмир бириктилган. Жавобгарлиги ўсмирнинг тарбиясига яраша. Қуруқ йиғилишлар ўтказиб, протоколлар тўлғазиш ҳеч нима бермай қолди. Балки, маҳаллаларда ҳисобда турган ўсмирнинг ота-онасига нисбатан жамоат иззасини йўлга қўйиш керакдир...

Булар таклифлар, Бирлари бевосита синаб кўрилиб, «ур-ра» деб қичқаришга ҳали эрта бўлсада, оқибати бор. Яна бирлари эса синаб кўриладиган. Натижаси бўладими? Агар қўлланса...

Йиғилишда қилинган ишдан қониқмаслик руҳи сезилди. У айтилган сўзларда кўринади. «Программада ҳамма иш билан тўла таъминланади», дейилган. Қандай қилиб? Бу айтилган эмас. Ёки турар жой бўйича 2000 йилгача мўлжалланган яна бир программани олайлик. У афанди, эшак ва подшо ҳақидаги латифани эсга солади... Қарорлар келади. «...кучайтирилсин, оширилсин, белгилансин». Биз ҳам йиғилишларда шундай қарорлар қабул қиламиз. Қоғозлар «юқори»га учаверади. тарбиясиз бола эса тарбиясиз бўлиб қолаверади. Жиноят кун сайин ўсиб бораверади. Хўжалик ҳисоби корхона раҳбарларига катта ҳуқуқ берди. У фақат малакали мутахассисни ишга олади. Шундан манфаатдор. Лекин, ҳисобда турган тарбияси оғир ўсмирлар, қамоқ муддатини ўтаб қайтганлар қаерга борсин? Балки, марказий майдонга сим тўр тортиб, ҳаммасини қамаб, теваракка соқчи қўйиш керакдир?.. «Хивадаги болалар уйига тарбияси оғир болаларни юбориш ҳоллари мавжуд. Болалар уйи қачондан буён болалар колониясига айланиб қолди?». «Қиймати бир миллион сўм турадиган вилоят театри биноси бор. Лекин, унинг ёшлар тарбиясига бағишланган бирорта саҳна асари йўқ. Тўғриси, биз театр залини пленум йиғилишларида кўрамиз...»

Маърузачилардан бири «Гап кўп, иш оз» деганди. Қисқароқ қилайлик. Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиб боришига сабаб — социал масалаларнинг оқсоқлиги, оммавий ишсизлик эканлиги ҳам тилга олинди. Эртанги кунига ишончи бўлмаган ўсмир тарбияси ҳар қанча «ленинча» бўлмасин, йўлдан тойиши ҳеч гапмас. Ечимни балки, шу ердан ахтариш жоиздир? Иш билан таъминланган, етарли махсус оладиган ёш бировнинг чўнтагига қўл урмайди, уйини тунамайди, босқинчилик қилмайди. Ахир, содир қилинаётган жиноятларнинг аксар кўпчилиги шу «тармоқлар». Бу сира ҳам тасодиф эмас. Видеобарга уч сўмсиз, «Гриль бар»га эса ўн сўмсиз кириб бўлмаса. У ерда эса «қизиқ-қизиқ» нарсаларни кўриш мумкин. Бир марта бундай «бахт»га мушарраф бўлган ўсмир, пул топиш учун чўнтак кесмай нима қилсин?..

Ечимни ишсизликка буриб янглишмаган эканмиз. Йиғилиш тугаши билан худди шу ерда навбатдаги йиғилиш бошланди. У вилоятдан ёшларни Россиянинг чекка ўлкаларига ишлаш ва ўқиш учун юборишнинг бориши ҳақда эди...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОННИ СОҒИНДИМ

Миллатим ўзбек. Астрахан шаҳрида яшайман. Ёшим 61 да. Тахминан 1935 йиллари Украинанинг Каховка шаҳридаги болалар уйига келиб қолганман. Бу ерда ўзбек болалари тарбияланишар, бизга Ўзбекистондан ўз она тилимизда дарсликлар келиб турарди. Икки нафар ўзбек муаллими дарс берарди. Уруш бошлангач, юзга яқин болани Астрахан шаҳрига кўчириб кетишди. Кичик ёшдагиларини эса пароходда Каспий денгизи орқали Красноводск шаҳрига жўнатишди.

Уруш тугади. Биз шу-шу бўлди-ю, Астраханда қолиб кетдик. Эсимни таниганимдан бери менга бир савол тинчлик бермайди. «Қандай қилиб бундан кўп йиллар муқаддам ўзбек болаларининг бутун бошли катта колонияси Украина чўлларига келиб қолган?», «Менинг ҳам Ўзбекистонда қариндош-уруғларим бормикан?, Қандай қилиб уларни топсам бўлади?». Менга ёрдам беринглар, азиз юртдошлар!

Сизларга салом билан Алишер Шодмонов. Адресим: 414016, Астрахан шаҳри, Водников кўчаси, 13-уй, 7-квартира.

Яқинда редакциямизга бир киши кириб келди. Қўлида «Правда Востока» газетасининг 1989 йил 12 сентябрь сони. «Шодмоновнинг мактубини ўқиб, ҳаяжонимни яширолмаяпман. Биласизлармй, Алишер иккимизнинг тақдиримиз бир экан... Унинг номига ёзган мактубимни газеталарингизда эълон қилсангизлар», деб қўлимизга қуйидаги хатни тутқазди.

* * *

Салом ҳурматли Алишер! Сизнинг хатингизни ўқиб кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Чунки тақдиримиз, кечмишимиз бир экан. Менинг ҳам болалигим урушдан аввалги йилларда Украинанинг Херсон вилояти чўлларида ўтган, дўстим. Келинг, яхшиси бошидан ёза қолай.

...1930-31 йиллар. Ўрта Осиё жумҳуриятларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам коллективлаштириш даври ўзининг энг юқори чўққисига чиққан пайтлари эди. Ўша пайтдаги маҳаллий раҳбарлар юқоридан бўлган буйруқни сўзсиз бажариш мақсадида қишлоқ деҳқонларини ёппасига, мажбурий равишда колхозларга киришини талаб қилишган. Колхозга кирмаганларнинг эса пешонасига «қулоқ» тамғасини босиб, уй-жойи, мол-мулкини мусодара қилиб, бола-чақаси билан қўшиб, яшаш, ҳаёт кечириш қийин бўлган жойларга бадарға қилишган. Бундай мажбурий «саёҳат»га диндорлар, ўртаҳол деҳқонлар, колхозга кирмаганлар, раҳбарларга ёқмаганлар жўнатилаверган.

Отам ўша йиллари Қибрай қишлоғида тайёрлаш соҳасида ишлаганлар. Тоғаларим қамалиб кетгач, отамни аввал ишдан бўшатишган, сўнгра эса «колхозга киришни истамаяпти», «қайноғалари халқ душманлари, шунинг учун қамалиб кетган» деган ҳар хил туҳматлар билан уй-жойини, мол-мулкини мусодара қилиб, Украинанинг Херсон вилояти Скадовск ноҳиясига бадарға қилишган.

Мен ҳар доим болалигимни эсга олсам, юрагим эзилиб кетади. Эҳ дўстим, биз ана шундай қора кунларда дунёга келган эканмиз. Шунинг учун ҳам тақдиримиз, қисматимиз қора бўлган экан. «Халқлар отаси»нинг фатвоси билан баъзи бир муттаҳамлар ўзларини инсонпарвар, халқларвар қилиб кўрсатиб, биз, гўдакларнинг қувноқ болалигимизни, севинчимизнигина эмас, ҳатто ер юзида ягона бўлган Ўзбекистонимизни ҳам тортиб олишди.

Биласизми, ўша пайтда Херсон вилоятининг Скадовск ноҳиясига мажбурий ишга кўчирилган минглаб оилалар ҳисобига иккита йирик пахтачилик совхози ташкил қилиниб, улар Улуғ Ватан урушигача пахтачилик билан шуғулланишган. Менинг отам ҳам 1934 йилгача пахта даласида меҳнат қилган. Сўнгра ишчилар кооперациясида, кейинчалик эса алоқа бўлимида ишлаган. Отамнинг айтишларича, 1934 йилда Украина чўлларида қурғоқчилик бўлиб, ҳосил мутлақо битмаган. Натижада, очарчилик, қаҳатчилик юз берган. Бунинг устига турли юқумли касалликлар тарқалиб, минглаб одамлар қирилиб кетган. Шунда омон қолган болаларни сиз тарбияланган болалар уйларига жойлаштиришган. 1937 йилги аёвсиз репрессия вақтида у ерга кўчирилганларни яна бир сидра «ғалвир»дан ўтказишган. Ўз динига эътиқод қилган юзлаб одамларни, ҳатто уларнинг фарзандларини суннат қилдирганликлари учун ҳам қамоққа олиб кетишган экан. Нақадар даҳшат, хунрезгилик!

Алишер, энди сиз ҳаммасига тушунаётгандирсиз, дўстим. Демак, сизнинг отангиз ҳам ўша тўс-тўполон даврида «қора рўйхат»га тушиб қолган ва ўша биз борган Скадовскка жўнатилган. Очарчилик ва эпидемия тарқалган пайтда ҳалок бўлганлар орасида сизнинг яқинларингиз ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Уруш бошлангач, биз Ўрта Осиёликларни ўз юртларига қайтариш тўғрисида қандайдир буйруқ ҳам келувди. Юзлаб от-аравалар ташкил қилиниб, бизларни енгил кўчларимиз билан Қримнинг Армянское станциясига олиб келишиб, шу ерда поезд-эшелон ташкил қилишиб, Ўзбекистонга жўнатмоқчи ҳам бўлишган эди. Бизлар станцияда икки кеча тунадик. Учинчи куни тушга яқин эркакларни йиғишиб, янги буйруқни ўқиб эшиттиришди. Буйруқда Ғарбий фронтда аҳволнинг оғирлиги, биз учун эшелон ташкил этишнинг иложи бўлмаганлиги айтилган эди. Станциянинг ўзидан ҳамма эркакларни фронтга олиб кетишди. Кексалар, аёллар ва болаларни ўзлари яшаган совхозларга яна қайтадан жўнатишди. У пайтда мен 10 ёшда эдим. Бу воқеаларни яхши эслайман. Совхозга қайтдик. Энди бундан буён яшашимиз хавф остида қолган эди. Душман ҳамон Шарққа, биз истиқомат қилаётган ерларга тобора яқинлашаётган эди. Эртанги кунимиз, тақдиримиз нима билан тугашини ҳеч ким билмасди. Урушнинг учинчи йили жуда қийинчиликлар билан ўтди. Бу давр ичида кўрган - кечирганларимизни, тортган азоб-уқубатларимизни эслаб ҳам, ёзиб ҳам бўлмайди. Армиямиз бизларни 1944 йилнинг ёзида фашизм чангалидан қутқариб олди. Немислар қочиш олдидан ишга яроқли кишиларнинг ҳаммасини Германияга ҳайдаб кетиш тўғрисида буйруқ чиқаришди. Фашистларга қул бўлишдан қўрқиб, ҳафталаб зах ертўлаларда, траншеяларда ётиб юрдик. 1944 йил кузда совхозимиз яна қайтадан ташкил этилди.

1946 йил 5 ноябрда ўз юртига жўнаб кетаётган уч-тўрт оилага эргашиб, бир ой йўл юриб, не-не азобларни бошдан кечириб, 3 декабрь куни туғилган қишлоғим Қибрайга етиб келдим. Бир неча ой тўшакда ётдим. Врачлар қўлларидан келганча тиббий ёрдам кўрсатишди. Улар мени «кўп яшамаса керак», дейишди. Чунки, овқат ея олмасдим, еганимни қайт қилиб ташлардим. Ҳаёт учун, яшаш учун курашдим. Бу сафар ҳам ўлим чекинди. Омон қолдим. Мактабда ўқишни давом эттирдим. Кўп йил ўқимаганлигим учунми, ўқишнинг қадри шунчалик ўтган эдики, «Фақат яхши ўқийман», деб сўз берган эдим. Бироқ, бахтимга қарши 9-синфда армияга олиб кетишди. Уч йил хизматда бўлдим. Хизматим тугагач, яхши хизмат қилганлигим ҳамда рус тилини пухта билганлигим учун олиб қолишмоқчи ҳам бўлишди. Кўнмадим. Чунки отам қариб қолган, бунинг устига, оғир хаста эдилар. Армиядан келгач, ўқишни давом эттира олмадим. Бир неча йил комсомолда ишладим. Ҳозир икки ўғил, бир қизим бор. Улар ҳали ёш.

Дўстим Алишер! Сизга ёзган мактубимни бежизга Ўзбекистонда энг ўқимишли бўлган газеталардан бири «Ёш ленинчи» орқали ёзаётганим йўқ. Чунки Ўзбекистонда бу газетани кўпчилик ўқийди, ҳатто қўшни жумҳуриятларда ҳам. Зора, менинг бу мактубимни ўқиб, сизу бизга ўхшаган тақдирдошларимиз овоз беришар. Балки, сизнинг ҳам яқин кишиларингиз ҳаёт бўлиб, сизни кутиб яшаётгандир. Менинг бунга жуда-жуда ишонгим келади...

Салом билан Собир МУМИНОВ.

Тошкент шаҳри, Куйбишев ноҳияси, Улуғбек посёлкаси, Бобур кўчаси, 14-а-уй, 39 хонадон.

Хориждан хабарлар

ЮНИСЕФ болаларни ҳимоя қилишга даъват этмоқда

БМТ болалар фонди (ЮНИСЕФ)нинг ижрочи директори Жеймс Грант болалар манфаатини ўйлаб олий даражада халқаро учрашув чақиришни таклиф этган эди. ЮНИСЕФ правлениесининг яқинда бўлиб ўтган махсус сессияси қатнашчилари ижрочи директорнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Улар ана шу учрашувни БМТ Бош Ассамблеясининг 45-сессияси чоғида БМТ қароргоҳида ўтказиш ниятида эканликларини айтишди. Ҳозиргача юздан кўпроқ мамлакат учрашув ўтказиш ғоясини маъқуллади. Ушбу анжуманда болаларнинг омон қолиши, уларни ҳимоя қилиш ва камол топтириш тўғрисида умумжаҳон декларациясини қабул қилиш мўлжалланмоқда. Уни ўтказишнинг аниқ санаси апрель ойида белгиланади.

Жеймс Грант ЮНИСЕФ правлениесининг махсус сессиясида бўлажак учрашувнинг концепцияси ҳақида сўзлади. Ижрочи директорнинг «1990 йилда жаҳон болаларининг аҳволи» деган мавзудаги докладида ана шу концепция баён этиб берилган. Саноати ривожланган мамлакатларнинг ва ривожланаётган мамлакатларнинг ҳарбий харажатлари умумий миқдори ер юзидаги аҳоли энг қашшоқ қисмининг умумий йиллик даромадидан анча кўпдир, дейилади докладда. Ана шу жуда катта харажатларнинг ҳатто беш ёки ўн фоизи тараққиётни жадаллаштириш, тинчликни барқарор қилиш учун омил бахш этган бўлур эди. Шундай қилсак барча кишиларнинг асосий эҳтиёжлари қондирилган бўлур эди. 90-йилларда 50 миллион нафаргача гўдакни қутқариб қолишдек ҳозир мавжуд бўлган ажойиб имконият ҳамда неча ўн миллионлаб бошқа гўдакларнинг камол топиши учун нормал шароит яратиш ушбу учрашувда муҳокама қилиниши керак.

«Ҳар ҳафтада беш ёшгача бўлган чорак миллиондан ортиқ бола олдини олиш осон бўлган касалликлардан, тўйиб овқат емасликдан ҳалок бўлаётганлиги давримизга иснод келтирмоқда», — деб таъкидлади Грант. Ҳар куни ичкетар касали сабабли аъзойи бадани сувсираб қолиши оқибатида тахминан 6 минг бола, кўкйўтал, қизамиқ ва қоқшолдан 8 минг бола, зотилжамдан яна 6 минг бола нобуд бўлмоқда. ЮНИСЕФ жаҳондаги ривожланаётган юздан ортиқ мамлакатда иш олиб борар экан, бошқа кўп ҳолатларга ҳам дуч келмоқда: бу мамлакатларда болалар ардоқланиши у ёқда турсин, аксинча, қарз, иқтисодий тушкунлик ҳамда экономикани структура жиҳатдан қайта қуриш программаларини амалга ошириш оқибатида биринчилар қаторида жабр кўрмоқдалар. Болаларнинг жисмоний ва ақлий камолотини ҳатто вақтинча оёқ ости қилишни ҳеч қандай иқтисодий назария ёки сиёсий мафкура билан оқлаб бўлмайди.

Инсониятнинг жуда ўткир муаммоси бўлган ҳаддан ташқари қашшоқлик жанубий Осиё учун ҳозир ҳам жуда муҳим масала бўлиб турибди. Жаҳон бўйича 5 ёшга тўлмай нобуд бўлаётган ўғил ва қизларнинг қарийб 40 фоизини уч мамлакат — Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш болалари ташкил этади. Ана шу уч мамлакатда ер юзидаги қорни тўйиб овқат емаётган болаларнинг 45 фоизи, мактабга қатнамаётган болаларнинг 35 фоизи яшайди.

Аммо, фақат ривожланаётган мамлакатлардаги болалар жабр кўрмоқдалар, деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди, деб таъкидлади Грант. Масалан, АҚШда ҳам, Англияда ҳам сўнги ўн йил мобайнида экономика барқарор ўсган бўлса ҳам бошпанасиз оилалар икки баравар кўпайди. АҚШда бечораҳол яшаётган болалар сони уч миллион кишига кўпайди. Аждодлари Испанияда яшаган Америка болаларининг қарийб учдан бир қисми ва қора танли болаларнинг ярми АҚШда қабул қилинган мезонларга кўра қашшоқнинг қашшоғидир.

Агар ҳозирги аҳвол ўзгармай қолаверадиган бўлса, тўқсонинчи йилларда юз миллиондан кўпроқ бола нобуд бўлиб кетади. Улар тўсатдан бўладиган сув тошқини ёки очарчиликдан ўлиб кетишмайди. Улар аста-секин киши билмас нобуд бўлиб кетаверадилар. Болалар ҳалок бўлишининг сабабларини бирма-бир санаб ўтиш мумкин. «Болалар тинка мадори қуриб, сувсизликдан лаби қуруқшаб қолиб, кўзлари киртайиб ҳалок бўладилар, зотилжамдан нафаслари сиқилиб, қоқшолдан тинка мадорлари қуриб жон ришталари узилади, болалар қизамиқ ёки кўкйўталдан азоб-уқубатда ўлиб кетадилар», — деб таъкидлади Грант. Ана шу беш дарддан ҳар бирининг олдини олиш ёки даволаш мумкин. Бу қимматга тушмайди. Ҳозирги вақтда арзон вакциналар, даволашнинг махсус усуллари, антибиотиклар бор. Шулар қўлланилса, аксарият ҳолларда ўлимнинг олдини олиш мумкин. Бу дорилар қиммат эмас. Бир болани тўла даволаш учун нари борса бир ярим доллар сарфланади. Агар барча харажатлар, жумладан дори-дармонларни етказиб бериш, шунингдек тўйиб овқат емасликнинг олдини олиш ва ўлишни камайтириш программалари харажатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, 90-йилларнинг охирига келиб, бу харажатлар йилига тахминан 2,5 миллиард доллар бўлиши мумкин. Бу анча катта маблағдир. Аммо бутун инсониятнинг бир кунлик ҳарбий харажатлари ҳам худди ана шунчадир.

ЮНИСЕФнинг ижрочи директори яна қуйидагиларни таъкидлади: бўлажак ўн йилликда иқтисодий вазият қандай бўлишидан қатъи назар жаҳон кўп миллионлаб кичик ёшдаги болаларнинг нобуд бўлишига ва тўйиб овқат емаслигига йўл қўйиб беради деган фикр билан сира муроса қилиб бўлмайди. Ўйлаб қўйган режаларни амалга ошириш мумкин, дейиш учун барча асослар бор. Бунинг учун қатъият, ғайратшижоат билан ҳаракат қилиш, мақсадга эришиш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланишга интилиш лозим. «Бу жуда катта вазифаларни сиёсий раҳбарларнинг фаол иштирокисиз амалга ошириш мушкул, — деди Грант. — Бунинг учун катта-кичик раҳбарлар ва мутахассисларнинг фаол иштирок этиши ҳам талаб қилинади. Оммавий ахборот воситалари олдида ҳам алоҳида муҳим вазифа турибди. Бутун жаҳондаги барча оилалар ўзлари ва болаларининг яшаш шароитини яхшилашлари учун замонавий усуллар бохабар бўлишлари ва бу усуллардан фойдалана билишлари зарур».

ЮНИСЕФ ижрочи директори олға сураётган масалалар кўп жиҳатдан Совет Иттифоқига ҳам тааллуқлидир. Чунки ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, СССР беш ёшга тўлмаган болалар ўртасидаги ўлим даражаси жиҳатидан жаҳонда сира-сира мўътабар бўлмаган ўринни эгаллаб, шу кўрсаткич бўйича Малайзия, Уругвай, Жанубий Корея сингари мамлакатлар билан ёнма-ён турибди. Бизнинг мамлакатимиз болалар ўртасидаги ўлимнинг кўплиги жиҳатдан ривожланган капиталистик мамлакатлар у ёқда турсин, Куба, Коста-Рика, Сингапурдан ҳам анча орқада қолиб кетган.

Михаил КОЧЕТКОВ,
ТАСС мухбири.
Нью-Йорк.



ГФР. Автомобиллар халқаро анъанавий кўргазмаси катта қизиқиш уйғотиб турган гап. Ўтган йили бўлиб ўтган ана шундай кўргазма ҳам бундан истисно бўлмади. Ўн кун мобайнида 340 мингдан зиёд киши автомобиль экспозициясини кўздан кечирди.

Кўргазмада жаҳоннинг 20 мамлакатидан 500дан зиёд фирма ўзининг энг янги моделдаги автомобиль ва мотоциклларини, пойга машиналарини, автомобилларга ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни намойиш қилди.

СУРАТДА: мутахассисларнинг эътиборини «Формула-3» классидаги «Алеко» пойга машинаси ўзига тортди. Бу машинани тайёрлашда Ғарбий Германия фирмалари билан биргаликда Таллиннидаги «Калев» корхонаси ва Ленин комсомоли номли Москва автомобиль заводи ҳам қатнашган.

Е. СТЕПОВИК сурати (ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЭНГ КИЧИК БЎЙЛИ ОНА

◆ «НЕШНЛ ИНКИАЙЕР» газетасининг хабарига кўра, 36 ёшли Глория Сэмюэлс Америка Қўшма Штатларида энг паст бўйли она ҳисобланади. Глориянинг икки фарзанди бўлиб, 14 ёшли ўғлининг бўйи 183 сантиметр бўлса, 10 яшар қизиники 150 сантиметрдир. Таажжубланарли жойи шундаки, иккала бола ҳам нормал туғилиб, яхши ўсган. Сэмюэлс бўйи шунчалик кичкина бўлишига қарамай, махсус ўриндиқли, қўл билан бошқариладиган автомобилни жуда яхши ҳайдайди.

ТАКСИДА ЕВРОПА БЎЙЛАБ

◆ АВСТРИЯЛИК Герхард Платтнер билан Херман Кнофмахер таксида энг узоқ ва қиммат бўлган саёҳатга отланишди. Зальцбург шаҳрида яшовчи икки дўст 16 минг километр масофа босиб, 16 давлатни айланиб чиқишмоқчи. Ўн кун давом этувчи бу саёҳатда улар Вена, Милан, Париж, Лондон, Брюссель ва бошқа қатор йирик шаҳарларда бўладилар. Автомобилни фақат Герхерд Платтнерниг ўзи бошқаради, у бир кеча-кундузда 16 соат машина ҳайдаб, 1450 километр йўл босмоқчи. Бу антиқа экспедициянинг иккинчи аъзоси, географ Херман Кнофмахернинг қиладиган иши фақат таксида йўловчига ўхшаб ўтириш, холос.

ШОКОЛАДЛИ ПЛАСТИНКА

◆ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ фуқароси Петер Ладони антиқа пластинкалар ясайди. Эстрада мусиқалари ёзилган бу пластинкани йигирма минут эшитиб, сўнгра еб қўйиш мумкин. Чунки пластинка шоколаддан тайёрлангандир.

ЧЕКИШ БЎЙИЧА ЧЕМПИОН

● ТРУБКАДА чекиш бўйича Францияда ўтказилган мусобақада 76 ёшли Эльвира Вейль биринчи ўринни эгаллади. Эльвира буви 3 грамм махоркани 59 минутда танаффуссиз чекиб, ўзига хос рекорд ўрнатди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ХХ АСР КУНДАЛИГИ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Карим БАҲРИЕВ.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бўлим мудири.



Ошкоралик машаққати

Жумҳуриятимизда, шубҳасиз инқилобий ўзгаришлар кечмоқда. Бу жараённинг қизиқлиги шундаки, биз — оддий деҳқондан ҳукумат бошлиғигача — энди ўрганаяпмиз. Ўзингиз ўйланг, гунг одамга бирдан: «Сенинг тилинг бор, гапир!», дейишса, қай аҳволга тушади?!

Бугун, менимча, энг муҳими хотиржам фикрламоқ, оқил ҳаракат қилмоқдир. Жанжаллар қилдик, бақириб-чақириб кўрдик. Чунки эзилган, хўрланган ўзбек халқи ҳам ўзининг борлигини, уни ортиқ оёқ ости қилишга йўл қўймаслигини билдириб қўйди. Аммо энди нолиш, гинахонлик етар, ишлаш керак..

Жамиятда шундай аҳвол юзага келди: ҳамма гапдон. Агар ҳамма баравар қичқирса, бу шовқинда ҳеч ким бир-бирини эшитмайди. Ҳатто ҳамма ҳақиқатни айтиб қичқираётган бўлса ҳам.

Жумҳуриятимизда кейинги кунларда кинорежиссёр Элёр Эшмуҳамедовнинг «Меҳр-муҳаббат ва алам билан» телевизион бадиий фильми ҳақида турли-туман фикрлар айтилмоқда. «Бу — сотқиннинг иши!», «Бизни бутун Иттифоқда шарманда қилишди!», «Нега Москвадан кўрсатишади?» — ана шундай гина-кудуратлар. Агар мен ҳам шу фикрда бўлганимда, ушбу мақолани ёзиб, шундай ҳам улкан қўшинга қўшилиб ўтирмасдим.

Бир нарсага ишончим комил — агар фильмни Тошкентдан кўрсатишганда, ўша кишилар: «Нега уни Москвадан кўрсатишмади, ўзимиз билиб, ўз ёғимизга қоврилиб ётаверамизми?!» — деган бўлишарди. Бизда негадир бир-бирини айблашлар яна авжига чиқмоқда, миллий ғурур ўрнига миллий жўзакилик пайдо бўлаётир. «Фалончи — сотқин, халқ душмани!» — деган гапнинг замирида «Мен эса халқнинг дўстиман, менсиз халққа қийин...» — деган фикрнинг ҳам қулоғи кўриниб турибди.

Фильмда жумҳуриятимизда турғунлик йилларида авж олган порахўрлик, қаллоблик вазияти очиб берилган. Тўғри, унда юзаки талқинлар, бўрттиришлар, рамзий саҳналарга хос мавҳумликлар бор, аммо бу ҳар қандай ижодий жараёнда бўлганидай, изланиш машаққатларидан келиб чиққан сакталиклардир.

Порахўрлик жамиятимизнинг ярамас иллати, аввал ёзганимдай, «бизда порахўрлар бошқа жумҳуриятлардагидан кўп эмас, яъни бошқа жумҳуриятларда порахўрлар биздагидан кам эмас . Аммо бу бизда порахўрлик йўқ, дегани эмас-ку.

Албатта, порахўрликнинг миллати бўлмайди. Порахўрлик — ўзбекларнинг одати, деган туҳматни тўқиганларни фош қилиш керак. Чурбанов рус бўлгани учун пора олмагани каби, Усмонхўжаев ўзбек бўлгани учун порахўр эмас. Бу — шубҳасиз. Эҳтимол, Чаушеску дунёда ўзбек борлигини билмас эди, аммо пора олишни биларди.

Аммо биз Ўзбекистонда порахўрлик борлигини, бугунги ғалағовурда очиқчасига айтишимиз ҳам керак.

«Меҳр-муҳаббат ва алам билан» фильмида сочлари бизникидай қора, кўзлари ўткир порахўрлар бор, аммо уларга қарши курашганлар — собиқ райком котиби, ўқитувчи Нуриев, журналист Мурод, иккиланишлардан сўнг курашчига айланган милиция ходими Болтаевлар ҳам ўзбеклар-ку! Фильм эски ҳужжатли кадрлар ёрдамида бир ёнда қаҳратонда изиллаб чигит излаётган болаларни, бошқа томонда — кўксига навбатдаги юлдузни тақаётган сохта «қаҳрамон»ларни ҳам кўрсатади. Ёдингиздадир, қаллобликни англаб етган Нуриев адолат излаб Москвага боради: «Менинг халқимни қутқаринглар, унинг фахри бўлган пахта энди офатга, халқнинг қотилига айланди, деб айтаман» дейди. Тўғри, ўшанда Москванинг қулоғи ҳам том битган эди, деҳқоннинг пешона тери билан топилган пулидан тиқин ясаб тиқиб қўйилган эди у қулоққа.

Бизда кўп фожиаларга сабаб бўлаётган бир ақида бор: «Ўғлидан ботир чиқса, ўз капасига ўт қўяди!». Шундай қилиб, мен Ургутда туғилганим учун ҳали Ургутнинг муаммоларини ёзганим йўқ. Яқинда телеоператорлар билан фильм олишга борсак, райком котиби, «Ука, ўзингиз шу ерликсиз, бизга ёрдам бериш ўрнига, этагимизни очиб Ўзбекистонга шарманда қилсангиз яхши бўладими?» — деди. Гўё менинг ёрдамим — уларнинг этагини ёпишдан иборат. Йўқ, ахир. Ургутликлар ҳам меҳнаткаш халқ, яхшироқ яшаши керак.

Қашқадарёлик журналист, дўстим шаҳрисабзлик қизнинг иффатига теккан саккиз кишининг қилмиши ҳақида очерк ёзганда, қанча юртдошлари: «Юзимизни ерга қаратдинг!» — деб гина қилишди. Аввало очеркка мавзу бўлган ишдан юзлари ерга қараса, тўғри эмасми?!

Биз Элёр Эшмуҳамедовнинг фильмига қайғургандан кўра, ундан дурустроқ бир режиссёримиз йўқлигидан, кўпроқ куюнсак, тўғри бўларди.

Турғунлик даври ўзбек халқи турмушида оғир асоратлар қолдирди. Рақамларга мурожаат қилайлик. Жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори бўйича 1988 йил Ўзбекистонда аҳолининг 44,7 фоизи 75 сўмдан кам даромад қилади, яъни биздаги «қашшоқлар» СССРдаги ўртача миқдордан (12,6 фоиз) қарийб тўрт баробар кўпдир. Литвада эса бор-йўғи 3,6 фоиз, Украинада — 8,1 фоиз киши шундай кам даромад қилади. «Бойлар»-чи? Эстонияда аҳолининг 33,5 фоизи 200 сўмдан зиёд даромад қилади, Ўзбекистонда эса — 2,8 фоиз! Бу Иттифоқ кўрсаткичидан ҳам олти баробар кам. Бу «2,8 фоиз»нинг аксари ҳам шаҳарда яшайди. Иқтисодий табақаланиш адолатсизликни туғдиради.

Биз яна ҳақиқатан айтадиган бўлсак, фильмдан бошқа, зарур дардлар кўп — иқтисодий мустақиллик, инсон ҳуқуқлари эркинлиги, сиёсий ҳурфикрлилик... Бу муаммолар иқтидорни, билимни талаб қилади. Кимнидир «сотқинлик»да айблаш учун эса унчалик ақл шарт эмас.

Албатта, «Меҳр-муҳаббат ва алам билан» фильмининг менга ёқмаган қирралари ҳам бор. Бу — унинг бадиий томонидир. Менга Элёр Эшмуҳамедовнинг «Нафосат»

Сиз суратда кўриб турган лавҳа кинорежиссёр М. Абзалов ижодига мансуб «Бўри» фильмидан олинган. Бу картинада ҳам бугунги ўзбек қишлоғи ҳаёти акс эттирилган.
Сураткаш В. ЦВИРЕНКО.



фильми ҳаммасидан кўпроқ маъқул бўлганди. Ижодкор фильмдан фильмга «долзарблашиб» бораётир, газета-журналларбоп муаммоларга боғланиб қолмоқда.

Ахтараверсак топамиз, албатта! Шу ҳақдаги шеъримни «Шаккоклик» деб атадим.

Чилвир сочларингни қўлим
топади,
Лабингни қонталаш тилим
топади.
Севгилим, оёғим толди
ахтариб,
Энди изларингни йўлим топади.
Сен бировга зорсан, мен ҳам
сенга зор,
Кўзларим топмаса, дилим
топади.
Ҳамма бир-бирини ахтарар,
топмас,
Ҳаммамизни излаб Ўлим
топади...

МАМЛАКАТИМИЗДА

Шуҳрат ЖАББОРОВ,

«Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг бўлим мудири.



ЯГОНА ИМКОНИЯТ

Асримизнинг сўнгги ўн йиллиги дебочаси — 1990 йилнинг икки ҳафтаси ортда қолди. Ҳалиям қўлимиз қоғоз узра «90» ўрнига «89» га кетиб қолаяпти-ю, бир тарафдан қараганда янги йилда анча-мунча яшаб қўйгандаймиз. Дўстларимиздан бирининг «Йил бошланса кифоя, тугашига тараф йўқ», деган гапи ёдимга тушади.

Инсон табиатан ўзгаришга ташна. Шунинг учун эрталабданоқ бир-биримиз билан кўришганимизда «Нима янгиликлар бор?» дея сўрашимиз табиий. Янгиликлар эса, шукроналар бўлсинким, етарли. «Вақт» ахборот хизмати ижодкорлари очиб бораётган сўқмоқлардан хабарингиз бордир. Марказий газеталаримизнинг деярли ҳаммаси янги йилдан эътиборан ташқи қиёфаларини сезиларли равишда ўзгартирдилар.

Гап газеталар ҳақида борар экан, шу йил 8 январда Харьковда рўй берган фавқулодда ҳолат хусусида тўхталмоқчиман. Демократия ва ошкораликни чуқурлаштириш бобида бизлардан анча илгарилаб кетган Украинанинг бу шаҳрида (биргина Евгений Евтушенко шу жойдан СССР халқ депутатлигига сайланганини эсланг) ғалати воқеа рўй берибди: 8 январь куни «Вечерний Харьков» газетаси ўз обуначиларига етиб бормабди. Йигирма йил ичида биринчи бор газета чиқмай қолиши. Бундай бўлишига бир киши — нашриёт директори сабаб десак ҳайратингиз янада ошиши табиий. Гап шундаки, бир кун олдин шаҳарда митинг бўлиб ўтган. Оқшом газетаси ижодкорлари ўша тадбирдан бир неча суратлар беришни режалаштиришган. Лекин босмахонанинг муҳим бўғини бўлмиш цинкография цехи ишчилари етарли шароит бўлмаганлиги туфайли (бу ҳақда улар кўпдан буён зорланиб келишган) ҳалиги суратларни тайёрлаб беришолмаган. Газета таҳрир ҳайъати режадаги суратлар ўрнига унинг кеч босилганлигига изоҳнома беришга қарор қилибди. Ана шу матнда, ошкоралик қонунига кўра, нашриёт директорининг исми шарифи, телефон номери кўрсатилган. Бундан хабар топган директор матбаачиларга буйруқ беради: газета босишни тўхтатинг, умуман бундан буён нашриёт шаънига танқидий бирор сатр ҳам сўз ўтказманг. Ҳа, шундай воқеа қайта қуриш беш ёшга тўлай деган ҳозирги кунларда бўлиб ўтди. Ўша директордан қайта қуриш ҳақида сўраб кўринг, соатлаб ваъз ўқиса керак.

Ҳа, эндиликда одамларнинг сўзи эмас, амалий ишига қараб баҳо берадиган давр келди. Сайловчилар ҳам ўтган йили СССР халқ депутатлигига номзодларнинг ваъдаларига роса тўйишган. Шу боис бутун мамлакат бўйлаб янги сайлов мавсумида ишчанлик асосий омил сифатида тилга олинаяпти. Бу сафар халқ номзодларининг сайловолди конференцияларда «қайчиланиши» камайгани демократиянинг кенг қулоч ёяётганлигидан далолат. Хусусан, РСФСРда қонунга кўра, умуман сайловолди конференциялари ўтказиш кўрсатилмаган.

Мамлакатимиз турмуши ҳақидаги сўзда Литвадаги аҳволни четлаб ўтилса, ҳикоямиз чала бўлиши муқаррар. Ҳозир ҳамманинг нигоҳи Болтиқбўйидаги ана шу жумҳуриятга қаратилган. Партиямиз раҳбарлари Литва халқи, коммунистлари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, кўпчиликни ҳаяжонлантирган масалалар хусусида ақлидроқ, бир-бирини тушуниш тилида суҳбат қуришаяпти. Қайта қуриш муваффақиятини парокандалик эмас, балки жипслашув ҳал қилиши кўп уқтирилаяпти. Дарҳақиқат, ҳозирги даврда фақат қайта қуришгина жамиятимизнинг яшаб кетиши учун ягона имкониятдир.

Қардош Озарбайжон жумҳуриятида ўтли нуқта яна биттага (афсуски) кўпайди: Нахичиван АССРда Эрон билан чегарадош маррада тартибсизлик рўй берди. Илгари темир интизом ва қатъий қоиданинг рамзи бўлган тиканли сим эндиликда маҳаллий аҳолининг кўзига хунук кўринаяпти. Мен бу воқеа муносабати билан у ёки бу томоннинг нуқтаи назарини қоралаб ёхуд оқлаб бирон нарса дейишдан ўзимни тиймоқчиман. Лекин марказий газеталардан бирида берилган репортаждаги ушбу сўзларга эътибор беринг. Ҳарбийлар вакили полковник Александр Ткаченко Озарбайжон халқ фронти Зангелен ноҳия бўлими раиси Али Аҳмедовга қарата «Симларни олиш ҳақидаги масалани қонуний йўл билан ҳал этинглар, ана ўшанда биз уни ўзимиз оламиз» дейди. А. Ткаченконинг суҳбатдоши «Икки йил муқаддам бу ҳақда ҳукуматга ёзгандик, бизга ҳеч нарса, умуман ҳеч қандай жавоб беришмади» дейди. Ҳа, шундай масала бўйича мурожаатнинг жавоби ҳам сукут бўлиши мумкин экан-да.

Буни қарангки, Нахичиван АССРга ташриф буюрган раҳбарларимиз Степанакертга йўл олишганда тўсиққа дуч келишди. Наҳот вазият шу даражага бориб етса?! Мен Тоғли Қорабоғ жанжали давом этаётган кунларда пахтакор жумҳуриятлар ўзаро текшириш бригадаси аъзолари сафида Ағдам ноҳиясида бўлгандим. Бу манзилгоҳ Степанакертдан 15 километр нарида. Ўшанда бир воқеани гапириб беришганди. Турли тартибсизликлардан жаҳл отига минган озарбайжон йигитлари арманларнинг «адабини бериш» мақсадида, катта тўда тузиб йўлга тушишади. Эҳтиросга берилган бу ёшларни ҳеч ким қайтаролмайди. Шунда Ағдам ноҳиясидаги Ленин номли колхоз раисаси йигитларнинг олдига бориб, уларнинг оёғи остига рўмолини ташлайди. Бу ҳолдан йигитлар таъсирланиб, ақлларини йиғишади: интиқом йўлидан қайтишади. Мен улуғ шоир Расул Ҳамзатовнинг сатрларини озгина ўзгартириб айтмоқчи эдим: озар ва арман аёллари, ўз эркакларингиз оёғи остига рўмолларингизни ташланг!

Ўтган йили СССР Олий Совети II сессияси пиво, сигареталар ва тансиқ гўшт таомлари нархини озгина ошириш масаласини муҳокама қилганда шундай фикрга боргандим: қандай яхши, энди бундан буён нарх-наводаги тошторози ана шундай ошкора муҳокамадан ўтадиган бўлди. Ўшанда депутатлар кўпчилик овоз билан юқоридаги маҳсулотлар нархини оширишга қарши чиқишганди. Лекин бу йил 10 январдан СССР Министрлар Совети (Конституцияга биноан СССР Олий Советига бўйсунувчи идора) заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металлар қўлланиб тайёрланган буюмларнинг чакана нархлари даражасини ўрта ҳисобда 50 фоиз ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу хусусдаги хабарда олинган қўшимча даромадлар 1990 йилга белгиланган социал программаларни пул билан таъминлашга сарфланиши маълум қилинади. Мен «Комсомольская правда»нинг бу қарордан ҳайратга тушиб «Миллионерларга совғами?» деган зардали мақоласини айтиб ўтирмай. Келинг, «Известия»нинг 10-сонида шу қарорга берилган босиқ-вазмин шарҳнинг охирги сўзларини келтирай: «Барибир ҳам, келгусида фаровонликка ваъда қилинганига қарамай, бундай қарордан нуқул ижобий натижаларни кутиш даргумон. Иқтисодиётда бирор жараён холи ҳолда кечмайди, бир буюмнинг қимматлашуви бошқасининг нархи ошишига таъсир қилади. Айниқса, гап олтиндан қилинган буюмлар ҳақида кетса». Бу баҳо СССР Нарх Давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Коминга мансуб. Оддий халқ қандай баҳо беришини ўзингиз тасаввур қилаверасиз!


Сергей Чуприк олган тан жароҳати билан узоқ йиллар тўшакка михланиб ётиши мумкин эди. Унга суратда кўриб турганингиз — ихтирочилар, шифокорлар ва мўъжизакор аппарат ёрдамга келди. Беморнинг тузалиб кетишига умид туғилди.



ХОРИЖДА

Турсун ҚОРАТОЕВ,

Ўзбекистон телевидениесининг сиёсий шарҳловчиси.



ПАНАМА КАНАЛИ ВА НОРЬЕГАНИНГ ТАҚДИРИ

Агар мендан бир ой аввал халқаро воқеаларнинг бундан кейинги ривожини сўрашса, 1989 йилнинг ўн бир ойи давомида содир бўлган яхши, ижобий ўзгаришлар таъсири остида, уни фақат кўтаринки руҳда баҳолаган бўлур эдим. Афсуски, энди, Америка Қўшма Штатларининг Панамага уюштирган босқинчилигидан сўнг, келажак ҳақида ундай дадил фикр айта олмайман.

Вашингтон Панамага уюштирилган мазкур босқинчиликнинг мақсади наркомафия билан алоқаси бўлган наркобизнес орқали катта маблағ тўплаган генерал Мануэль Антонио Норьегани қўлга олиб, уни судга бериш, деб айтмоқда. АҚШ маъмурияти томонидан Панама миллий мудофаа кучларининг қўмондони генерал Норьегага қўйилаётган бу айблар қанчалик асосли ёки асоссиз буни, албатта, суд ҳал этади(агар у одил бўлса).

Лекин кўп йиллардан бери АҚШ — Панама муносабатларини диққат билан кузатиб борган холисона кишиларнинг бу масала бўйича фикрлари бошқача.

Панама ватанпарвар кучларининг ва уларга раҳбарлик қилаётган генерал Норьеганинг АҚШ маъмуриятига билдирган норозилиги ўз миллий бойликлари устидан ўзлари хўжайинлик қилишга бўлган интилишидир.

Бу ҳаракат, интилиш йўлида қанча қурбонлар бўлган. Шулардан бири 70-йилларнинг иккинчи ярмида президентлик лавозимини эгаллаб турган генерал О. Торрихос бўлди. Панама халқининг Панама канали устидан хўжайинликни ўз қўлларига олиш канал зонасидан АҚШнинг 12 минг кишилик ҳарбий кучларини олиб чиқиб кетишга қаратилган кураши 1977 йилда натижа берди. 1977 йили Панама президенти О. Торрихос ва АҚШ президенти Ж. Картер ўртасида имзоланган битимга кўра, 1999 йилнинг 31 декабрида Панама канали бутунлай Панама давлатининг ихтиёрига ўтиши керак. 1981 йилда президент О. Торрихос сирли авиация ҳалокати натижасида ҳалок бўлди.

Генерал Торрихоснинг мамлакатни мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган ишини унинг ўлимидан сўнг генерал М. А. Норьега давом эттириб келди. Унинг фаолиятига, ҳаёт йўлига бир томонлама баҳо бериб бўлмайди. Генералнинг яқин-яқингача ҳам АҚШ Марказий разведка бошқармаси билан алоқада бўлганлиги ва унинг топшириқларини бажарганлиги учун унга салбий баҳо берсак, менингча, янглишган бўламиз. Лекин, сўнгги йилларда у ўзининг бутун фаолиятини 1977 йил имзоланган Торрихос — Картер битимини амалга оширилишига қаратган. Унинг ўз мамлакати ва чет элларда машҳурлиги, ном чиқарганлигининг асосий сабаби ҳам шунда бўлса керак. Испания матбуотининг маълумотларига кўра, сўнгги йилларда генерал Норьега номи АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари оммавий ахборот воситаларида Лотин Америкаси мамлакатларидаги бошқа давлат ва сиёсий арбоблари номига нисбатан кўп учраган.

Сўнгги бир неча йил мобайнида АҚШ маъмурияти Панама сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаб келган генерал Норьегани шу сиёсий ҳаётдан четлаштириш учун кўп уринди. Энг биринчиси уни наркобизнесда айблаб, шу йўл билан эгаллаб турган лавозимидан кетказмоқчи бўлишди. 1988 йилнинг 26 февраль куни Панаманинг шу вақтдаги президенти Эрик Дельвалье миллий мудофаа кучларининг қўмондони генерал Норьегани истеъфога чиқарганини эълон қилди. Лекин, мамлакатнинг қонун чиқарувчи ассамблеяси президент ва вице президентни лавозимларидан четлаштириб, генерал Норьегани истеъфога чиқариш тўғрисидаги қарорни бекор қилди. Президент Дельвалье Вашингтоннинг кўрсатмасига биноан қўмондонни истеъфога чиқармоқчи бўлганлиги кўзга яққол кўриниб турган эди.

Бундан ташқари, мамлакатда Америка манфаатларини ҳимоячиси бўлган турли кучлар 1988 йилнинг март ойида ва 1989 йилнинг октябрь ойида қўзголон кўтариб, ҳокимият тепасига Вашингтон кўрсатмаси бўйича иш олиб борадиган гуруҳни келтирмоқчи ҳам бўлдилар.

1989 йилнинг май ойида Панамада белгиланган президентлик сайловига ҳам АҚШ маъмурияти катта умид боғлаган эди. Сайлов натижаларини ўз фойдаларига ўзгартириб, мақсадларига эришмоқчи ҳам бўлдилар. Ж. Буш маъмурияти мамлакатдаги ватанпарвар кучларга оппозицияда бўлган Гильермо Эндаранинг сайлов кампаниясини моддий жиҳатдан қувватлаш учун ўн миллион доллар маблағ ажратди. Қўшма Штатлар Панамада ҳокимият тепасига келтиришни мўлжаллаган номзод сайловда ютиб чиқмаганидан сўнг, Вашингтон сайлов натижалари нотўғри деб, бунда яна генерал Норьегани айблай бошлади.

АҚШнинг Панамада президентлик сайлови арафасида ва ундан сўнг вазиятни кескинлаштириши, тўғридан тўғри куч ишлатиш билан дўқ-пўписалар қилиши ва декабрь ойига бориб уни амалга оширишининг сабаби бор.

1989 йилнинг май ойида Панамада бўлган президентлик сайлови унинг тарихидаги энг муҳими эди. Панама каналининг Панама давлати ихтиёрига ўтиши учун 10 йил вақт қолаяпти. Унга қадар икки маротаба президентлик сайлови ўтади. Торрихос—Картер битимининг бажарилиши ёки бажарилмаслиги кўп жиҳатдан 1989 йилда сайланадиган президентга боғлиқ эди. Шунинг учун Қўшма Штатлар ҳокимият тепасига ўз кишисини келтиришга ҳар томонлама уриниб кўрди. Вашингтон маъмурияти ҳозир дунёда ўзгарган вазиятни ҳисобга олиб, Панамани бундан буён ҳам қўл остида бўлишига халқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол равишда бузмаган ҳолда эришмоқчи бўлди, лекин унга эриша олмади.

Илгаригидек қадамини Вашингтонга ўлчаб босиш эмас, балки мустақил ҳаракат қилмоқчи бўлганлар ҳар қандай тазйиққа қарамай, шу йўлни давом эттирмоқчи бўлдилар. Лекин Панамадаги вазият назорат остидан чиқиб кетиши мумкинлигига кўзи етган Вашингтон охирида муросани четга қўйиб, ўзининг ҳар доим қўллаб келган усули — куч ишлатишни лозим топди. Ҳозир мамлакатда ҳокимият тепасида сайлов йўли билан бунга эриша олмагач, Америка қуроли ёрдамида эришган Гильермо Эндара турибди. Генерал Норьегага қарши қаратилган бутун кампаниянинг асосий мақсади ҳам у орқали мамлакатдаги барча ватанпарвар кучларга зарба бериш, ҳокимият тепасига Вашингтондан йўл-йўриқ олиб сиёсат юритадиган шахсни келтириш бўлган. Бугунги кунда Америка маъмурияти мамнун, сабаби мақсадига эришди.

АҚШ маъмуриятининг ўз мамлакати манфаати йўлида бошқа мамлакат манфаатларини ҳисобга олмаслик сиёсати дунёдаги кўпчилик давлатлар томонидан қораланмоқда.

Панамага қўшин йўллаган АҚШнинг ўз ички муаммолари кам эмас. Масалан, жиноятчилик. Бу юртда ҳар йили камида 30 миллион жиноят содир бўлади. Суратдаги ҳодиса — америкалик кўникиб қолган ҳол — жиноятчиликнинг навбатдаги қурбони.

ТАСС суратлари.



Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

ИШЛАТИЛМАСА ТИЛ ҲАМ ЗАНГЛАЙДИ

Табиат ва жамиятнинг мутлақ қонуни бор: ҳамма нарса ҳаракат қилади, ўзгаради ва ривожланади. Бу қоидани ҳеч нарса четлаб ўтолмайди. Мантиқ шундай, қўллаб қолса оқин сув ҳам сасийди, чанглаб ётса, нозик асбоблар ҳам занглайди. Бинобарин, ишлатилмаса, она тилимиз ҳам занглайди. Асрлар давомида ишлатилмаганлиги учун улуғ Алишер Навоий ва унинг замондошлари тили архаик тилга айлана борди. Натижада ўзбек тилига асос солган илк адабий тилнинг эъзозли тарзига қараб сингдирилмиз. Худди шундай Лутфий, Бобур, Нодира, Увайсий, Фурқат ва Муқимий асарларининг жуда кўп нодир сўзлари ғосмада изоҳ бериляпти. Улуғ инқилобимиз бошида Осиёда биринчи бўлиб, Маяковский билан бир вақтда, бир хилда «Яша шўро!» деган Ҳамзанинг «Шўро»си ҳам архаига тушяпти. Ҳатто замондошларимиз бўлмиш Абдулла Қодирий, Чўлпонлар тилига ҳам изоҳли луғат талаб қилувчилар анчагина. Буларнинг ҳаммаси она тилимиз яйраб-яшаб, тўла-тўкис ишлатилмаганидан далолат.

Ижтимоий ҳаётда, кундалик турмушда, ҳатто адабиёт ва санъатда кам ишлатилгани учун айрим иффатли ва жарангдор, нафис ва ширали, салобатли ва салмоқли, шоирона, андишали ва пардали сўзлар динга бериб юборилган, бинобарин, уларни ишлатиш айб ҳисобланиши туфайли тилимиз қашшоқлашиб, сўз бойлигимиз инқирозга учраганди. Бисот сандиғидан бирор ётган нодир сўзни топиб ишлатадиганлар бўлса, одамлар, дилида ёқиб турса-да, уни ошкора қабул қилолмасди. Ҳаётимизда кўп учраган ана шундай воқеалардан бирини, такрор бўлса-да, эслаб ўтгим келди.

Эллигинчи йилларнинг бошида «Ихлос» романининг қўлёзмаси муҳокамасида менинг учун ҳурматли бўлган олим ва ёзувчи, уюшмамизнинг ўша вақтдаги раҳбарларидан бири Иззат Султон «Нима учун романнинг номини «Ихлос» қилдингиз? Бу диний сўз-ку» деб қатъий эътироз билдирди. Нима қилсин, у киши ҳам қизил сиёсатдонлардан юрак олдириб қолган эди-да. Мен жавоб қилдим: «Ўзбекнинг ҳамма чиройли сўзларини динга бериб юборсак, халқимиз соқов бўлиб қолади-ку». У киши индамай ўйланиб қолди. Орадан бир оз вақт ўтгач, ўзи янги асар ёзиб, номини «Имон» қўйди. Адабиётда ўзбекнинг яна битта салмоқли сўзи ўз ҳуқуқига тикланди. Аммо бу тикланиш узоққа бормади, ўзбек тилига қарши тазйиқ кучайди, айниқса, Раъно Абдуллаева ғоявий «булоқ бошига» ўтириб олган кезларда тилимизни тиғизлаб қўйди. Кейин унга қарши ҳужум бошланди ва бу жиноятлари ҳар хил даражада давом этди.

Ниҳоят, Ўзбекистон ССР давлат тили ҳақида қонун чиқди. Яхши иш бўлди. Кўпдан кутилган бу қонуннинг қабул қилинганига ҳам анча вақт ўтди. Бироқ шундан кейин тилимизда кўпдан бери кутилаётган ўзгариш юз бердими? Юз берса не чоғлиқ, қай даражада ва нималарда намоён бўлди?

Жонли тилимизда бир оз бўлса-да, силжиш бор (бисотимиз сандиғидаги айрим бойлик ишга тушяпти): жумҳурият, вилоят... Бироқ оммавий ахборот тилида, айниқса, матбуотда ҳали ҳам ўша-ўша: республика... область... Тонгдан тунгача неча бор такрорланадиган об-ҳаво ахборотида ҳамон тил турғунлиги давом этяпти. Нима учундир, жамоат фикрига, матбуот овозига қулоқ бермай, об-ҳаво даражасини ўта ўжарлик билан нотўғри ифода қилинмоқда — гўё ўзбек тилида «иссиқ» ёки «совуқ»дан бошқа ифода йўқдек, ўлчов сўзлари мутлақо йўқдай. Нима учун симоб устунининг устки кўрсаткичларига қараб даражани мароми билан илиқ, димиқ, иссиқ, жазирама деб айтмайдилар. «Кечаси 0—1 даража иссиқ» дегунча «Об-ҳаво кечаси ноль даражадан бир даража илиқ оралиғида бўлади» деб қаҳ гап айтса, ҳеч кимнинг силлиқи ушук урмайди-ку. Симоб устунининг пастки кўрсаткичларини ҳам халқда ўз белгиси, ифодаси ва ўлчови бор: салқин, ушук, аёз, изғирин, совуқ, қаҳратон... Масалан, халқимиз маромига қараб «Бугун ҳаво салқин келди», «Тунда ҳаво изғирин бўлди», «Декабрда ҳаво совуқ» «Январь ойида қаҳратон қиш» деб таъбир қилади. Шундай экан, «Нолдан бир даражагача иссиқ бўлади» дейиш қип-қизил ўлган-ку! «Русчадан таржимаси шундоқ» деб баҳона қилсалар керак. Ахир русча ҳам «жара» дейилмаган-ку, «тепло» дейилган. Русчасида ҳам «иссиқ» эмас, «илиқ» деяпти-ку. Нима учун ҳамманинг жиғига тегиб шу ўлганни ҳадеб такрорлайверамиз? Турғунлик даври ўтиб кетса ҳам, қачонгача тилимиз ривожига тўғон солиб турамиз? Ўша тўғон солувчи ким экан, мард бўлса — очиқчасига, ошкорасига майдонга чиқсин!

Турғунлик даврида тилимизга кириб қолган курмаклар ҳамон ошимизни ланж қиляпти. «Чой қадоқлаш ва уни реализациялаш...» дейди телеэкранимиз. «Фалончи саноат моллари реализация қилинди» деб ёзади газетамиз. Нега «реализация?» Ахир «реализациялаш» сўзи тилимизга тасодифан кириб қолганини ким билмайди. Ўзбекчада унинг нечта ифодаси бор. Мазмунига қараб, уни сотиш, пуллаш, амалга ошириш, давлатга топшириш, деб ишлатилади. «Турар жойлар қурилди» дейди яна бир ахборотчи. Нима учун «турар жой»? Одамлар учун қуриладиган биноларнинг азалий, маданий номи — «уй-жой». Унда одамлар истиқомат қилиб, маданий ҳаёт кечирадилар. «Турар жой» эса, кўпинча тик турб яшайдиган жониворлар, ҳайвонларга мансуб бошпана.

Деҳқончиликка оид кўп сўз, ибора, атамалар ҳамон хомаки таржима шаклида ишлатиляпти. «Агросаноат», «агрокомплекс»... Нега «Деҳқончилик саноати» дейишдан қўрқамиз? Нима учун «деҳқончилик рўзғори» ёки «деҳқончилик хўжалиги» дейишдан уяламиз. Ахир бу атамалар Россия агрономиясидан олдин туғилган-ку.

«Ирригация», «Мелиорация» сўзларини олайлик. Деҳқончиликнинг бу муҳим тармоқлари Европа ер ишлари маданияти яралмасдан аввал ўзимизда мавжуд бўлганини ҳеч ким инкор қилолмайди. Уни қадимги мироблар ҳам «сув тармоқлари», «ер таркибини яхшилаш» деганлар. Дарёлардан сой чиқариш, сойлардан ариқлар, ариқлардан шохобчалар: шохариқ, ўқариқ кавлаб ер суғориш — Ўрта Осиёда қадим замонлардан мавжуд. Шунинг учун уни бемалол ўз номи билан «сув тармоқлари» деяверсак ёмон бўлмайди. Ер захини қочириб, унинг таркибини яхшилаш учун зовур, хандақлар қазиш ҳам бизда узоқ-узоқ замонлардан бошланган. Шунинг учун мелиорацияни ҳам «ер таркибини яхшилаш» деявериш керак.

Тилимизни чеклаш натижасида ўзбек тили луғавий бойлиги ҳам камайиб кетди. Ҳозирги ёшларимизнинг сўз бойлиги тирикчилик муомаласи сўзларидангина иборат бўлиб қолди. Бир маънони ифода қиладиган неча-неча чиройлик сўзимиз борлигини тасаввур ҳам қилолмайдилар. «Ўзбек тили камбағал тил, унинг сўз бойлиги икки мингдан ошмайди» дегувчилар бекор айтибдилар. Ўзбек тилидай серқирра, сермазмун, сержило, нозик ва кўп ифодали бой тил ҳеч бир тилда йўқ, деса бўлади. Ўзбек тили чуқур фалсафа тили, ишқ тили. Бир сўзида юз маъно яширин ва талаффузи билан бениҳоя куч ато қилиб гуррига кулги кўтарадиган сеҳрли тил яна қайси халқда бор?

Ҳар бир сўзимизда юз маъно бўлганидай, бир маънони ифодаловчи неча-неча турлари ҳам бор, уларни бир-бирининг ўрнига ишлатиб туриш керак. Йўқса, улардан ҳам ажралиб қоламиз. Рус тили луғатида «человек» ягона сўз. Ўзбек тилида эса, бир неча: одам, инсон, киши, халойиқ. «Ота-она»нинг ҳам бир неча номи бор: «Ота — дада, ота, падар, бузрук, бузруквор, пир... Она — волида, ойи, ая, она, онахон, қиблагоҳ... Шева тилида: буви (Фарғона), аба (Наманган). Бу салобатли сўзларнинг камдан-камини ишлатяпмиз. Ёки биргина «ишонч» сўзининг қанча шериклари «ихлос», «имон», «амин», «комил», «шоят»лар ишлатилмай, тахмонда ётибди.

Бир ёш оила қиз фарзанд кўрганида, қариялар, иффатли бўлсин, деган яхши ният билан, исми Иффатхон бўлсин, десалар ёш ота-она иффат нимаси, қанақа сўз бу, деб елка қисдилар. «Ёқмаса, Ҳулкар қўйинглар, ёруғ юлдуздай чараклаб юрсин», десалар «Ҳулкар» — ўрисчасига хунук эшитиларкан» деб маъносини тушунмаганлар учун бу номни рад этиб, ўзлари тушунадиган замонавий ном қўйдилар.

Номлар, атамалар ҳамон чигаллашиб, мужмаллашиб ёзиляпти. Газеталарда босилиб чиққан қарорларда, кундалик ахборотларда ҳам «Узрыба», «Узсемовощ», «Узагрострой», «Узсовкурорт», «Узавтотрансатехника», «кулинар»... Шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда жойлашган ва уларнинг ўзбекчада ярашуқли номи ҳам бор. Масалан, «Ўзбек балиқчилиги», «Ўзбек навли сабзавот уруғчилиги», «пазанда» каби ўзига хос, ярашуқлиқ номлар билан ёзсак, нима юткизамиз, нима ютамиз?

Билиб, билмай турли атама ва номларни ноўрин ишлатишга ҳам сабр содир бўляпти. Мисол учун телеахборотда «Қўқон вилояти» деб гапирдилар. Бу — «вилоят»нинг маъносини тушунмаганликдан келиб чиққан бўлса, эҳтимол. Аммо «Ахборот» мутасаддилари буни билишлари керак.

«Ноҳия», «ноҳияси», «ноҳияти», «ноҳиятда» деб ишлатяптиларки, бу ҳам таажжубга сазовор. Бу сўзлар қулоққа ғализ эшитиляпти, кўпчиликка эриш кўриняпти. Негаки, бу сўзлар ўзбек халқ меросида йўқ, турмушда ишлатилган ҳам эмас. Шунинг учун уни халқ қабул қилмаяпти. «Ноҳия» сўзини «район» ўрнига ишлатяптилар. Онгли зарурат туфайли турмушда пайдо бўлиб, халққа сингиб кетган атамаларнинг ҳаммасини ҳам ўринли, ўринсизми ислоҳ қилавериш шартмикин? Менимча шарт эмас. Негаки, тилимизнинг сандиғида ётган бор бисотини юзага чиқарсак кифоя — ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Аммо янги ижтимоий тузум даврида пайдо бўлган, мужмаллаштирувчилар туфайли турмушга сингган «район» аввалари йўқ эди. Аввалари «музофот», «вилоят», «уезд», «волость», «даҳа», «мавзе», «жамоа»лар билардик. «Район» эса, Октябрь инқилобидан кейинги иқтисодий-маъмурий бўлинишлар даврида губерния ўрнига пайдо бўлган «область» билан бирга кириб келганди. «Область»ни «вилоят» деб ишлатайлик, аммо «район»ни «уезд» ёки «волость» деб бўлмаганидай, «ноҳия» деб ҳам бўлмайди. У ҳозирги «район»нинг иқтисодий-ижтимоий-сиёсий, маъмурий чегара тузилишининг ўрами ва кўламини ифода қилолмайди. «Район» туғилиши билан эгаллаган мавқеи-ю, ҳуқуқида қолавериши маъқул. «Вилоят» ҳам нотўғри ишлатиляпти, ҳатто шаҳарларни ҳам вилоят, деб атаяптилар. Радиода мусиқа эшиттириш программасини эса, «Мусиқавий дастур» демоқдалар. Дастур — жуда салмоқли ижтимоий сўз бўлиб, эшиттириш мундарижаси-ю жадвалига мутлақо тааллуқли эмас ва бўлолмайди ҳам.

Ўзбек тили давлат тили унвонига эга бўлдию, аммо ҳамон чақалоқлигича, бешигида ётибди. Уни оёққа турғизиб, вояга етказиш, фаол ишга солиш шу куннинг долзарб иши. Обдон ишлатилмаса тил ҳам занглайди.

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳурматли ёзувчимизнинг куюнчаклик билан ёзилган ушбу мақоласида долзарб мавзу қаламга олинган. Унда асосан жуда тўғри фикрлар таъкидланган, Бироқ, мақолада баҳсли ўринлар ҳам йўқ эмас. Масалан, биз муаллифнинг тилимизда қўллланила бошлаган «ноҳия» сўзига нисбатан билдирган фикрига қўшила олмаймиз. Зеро, «ноҳия» район маъносини берадиган сўз сифатида нафақат матбуотда, радио ва телевиденеда, айрим расмий учрашувларда балки сўзлашув нутқида ҳам тобора кенг қўлланилиб, сингишиб бормоқда.

ТВ

17 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Физика. Металларда электр токи. 12.00 «Фан йўлида». Телефильм. 12.30 Химия. СССРда минерал ўғитларни ишлаб чиқариш. 13.00 «Ташвишли қиш». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Ўқитувчи экрани. Биологиядан экспериментал дарсларни ўтиш методикаси. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Инсон боладикдан бошланади». 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурч». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Дўстларимиз диёрида». Чимкент вилоятида ўзбеклар маданият марказининг очилиши. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Анъаналар этади давом». Мусиқий программа. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Абдулла Қодирий таваллудининг 95 йиллигига бағишланган юбилей кечаси. 24.00 Янгиликлар. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ II

19.00 «Автопортрет». Баҳодир Жалолов (рус тилида). 19.40 «Социалистик ҳуқуқий давлатни шакллантириш шароитида ҳуқуқий умумтаълимнинг долзарб муаммолари» Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси (рус тилида). 20.00 «Йўқолган хазина». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ: 21.30 Москва. «Вақт». 22.05 «Айил кечтери». Ўзган районы. 23.00 «Осий». Бадиий фильм, субтитр билан (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Дубровский». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар. Премьера. 11.15 «Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади». 12.15 «Кел дўстлашамиз». Мультфильм («Ўзбекфильм»). 12.25 «Камалак» Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Оркестр садолари остида» (Швейцария). 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 16.00 «Мўъжизалар майдони». Ҳаваскор цирк коллективларининг чиқиши. 16.50 Ҳужжатли фильмлар: «Туруҳан воқеаси», «Узоқ Шарқ». Киножурнал. 17.20 «Магия» билан учрашув». Телеочерк. 17.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама». 20.00 «Домовёнокнинг саргузаштлари». Мультфильм. 20.20 «Дубровский». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. Премьера. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 23.25 «Қор ёққанда». Эстрада программаси. 23.45 «Бизнинг бурчимиз». 2-кўрсатув.

● МТ II

17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Ўз отам ҳақида ҳикоя қилсам» (Тюмень). 18.10 Телевидение хазинасидан. Клод Эльфер концерти (Франция). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурда таржимаси билан). 19.30 «Нафосат йўллари» (В. А. Серов таваллудининг 125 йиллигига). 19.55 Литва ССР Давлат «Летува» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сирли Гиппопотам». 4-қисм. 20.45 Д. Брубек. Икки фортепьяно учун композиция. 20.55 «Бир от учун ярим давлат». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 21.15 Халқ куйлари. 21.30 «Юкте манбаи». Ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск киностудияси). 22.00 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. «Менинг ҳаётим». Телевизион бадиий фильм («Ленфильм»). 1-серия. 23.05 Телевизион мусиқий абонемент. «Тарих афсонага ўхшайди». 3-кўрсатув — «Ленинград капелласи». 00.10 Баскетбол. Р. Корачи кубоги. Эркаклар. «Босна» (Югославия) — МАСК. Югославиядан кўрсатилади.

Луқма

БИР ЭЪЛОН ТАРИХИ...

Тошкент Давлат университети асосий биносининг вестибюлидан бу ердаги йирик ҳарфлар билан ёзилган эълонни пайқамай ўтиб кетиш қийин. Унда «Авангард» ёшлар маркази ўқишдан бўш вақтда ишлашни хоҳловчи студентларни «Люкс» пулли сервис хизматида ишлашга таклиф қилади...», деб ёзилган сўзлардан кейин шуғулланиш мумкин бўлган ишларнинг узун рўйхати келтирилади. Сирасини айтганда, студентларнинг бироз пул топиш имконига эга бўлган ҳозирги авлоди учун хурсанд бўлдим.

Университет комсомол комитетида мени бундай ҳожатбарорлик билан шуғулланаётган «Авангард» ёшлар марказига йўллашди.

— Ҳа, биз бу ташвишларни ўз зиммамизга олишга аҳд қилдик, — деб бошлади ўз сўзини марказ директорининг ўринбосари, бешинчи курс студенти Олег Чубикин. — Рўзғор ишларида кўмаклашиш, бола боқиш хизматлари, табриклаш хизмати, пардоз-андоз хонаси, сартарошхона ташкил қилинади.

— Ҳозирча! Студент ўқишдан бўш вақтида бу ерда нима билан шуғулланиши мумкин?

Маълум бўлдики, ҳозирча улар учун бу ерда бирор-бир машғулот йўқ экан. Тўғри, талабгорлар марказга мурожаат қилишяпти. Лекин ҳозирча бу ерда уларнинг рўйхатлари тузиляпти, холос. Шундан кейингина ана шу рўйхатларга мувофиқ улар учун иш ташкил қилишни режалаштиришяпти.

— Ҳозирча бино ҳам, моддий база ҳам йўқ, — деб ўзини оқлайди Олег. — Студентлар шаҳарчасининг шаҳар марказидан узоқда жойлашганлиги асосий муаммо бўлиб турибди. Шошмай туринг, метро бу ерга ҳам келсин, нималар қилишимизни ана ўшанда кўрасиз... Лекин ҳозир ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ: ётоқхоналардан бирида видеосалон очдик, таржималар хизмати бор, тарих факультети негизида маданий-ахборот маркази ташкил қиламиз...

Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Лекин, наҳотки, студентларга иш топишда ёрдам бериш учун студентлар шаҳарчасида метро очилишини кутиб туриш керак бўлса. Университет ва унинг ётоқхоналари атрофида ҳам ўнлаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, соғлиқни сақлаш ва транспорт ташкилотлари жойлашган-ку, ахир...

ТошДУ комсомол комитети ҳузуридаги ёшлар марказидан кетаётиб, мен студентлар учун қувонишга ҳали эрта эканлигини тушундим. Эълон эса худди шаҳарни тозалаш ойлигига тайёргарлик чоғида қўлга супургию белкуракларни олиш ўрнига қуруқ даъватлардан нарига ўтилмаганидек, қоғозбозликдан бошқа нарса эмас экан.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

«ЧАШМА» КЎЗ ОЧДИ

Тошкент матбаа техникуми қошида «Чашма» адабий тўгараги иш бошлади. Техникумга шоир Усмон Носир номи берилишида етакчи роль ўйнаган ўқитувчи ва талабалар тўгарак тузишда ҳам жонбозлик кўрсатдилар. Тўгаракнинг мақсади билим юртида Усмон Носир музейини яратиш, шоир номидаги стипендияни ташкил этиш, адабиётга ихлоси бор талабалар ижодига кенг йўл очишдан иборатдир.

Ҳозирча йигирмадан ортиқ талаба аъзо бўлган бу тўгаракка Мақсуда Маҳмудова раҳбарлик қилмоқда. Ҳар икки машғулотнинг бирида ёш ижодкорлар бирбирларининг ижодий ишлари билан танишиб борадилар.

Барчага манзур бўлган ижодий иш эса редакцияларга чоп этиш учун тавсия этилади. Тўгарак аъзолари техникумнинг яқинлашиб келаётган 40 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун ўз фаолиятларини авж олдирмоқдалар.

Ю. ҚУЛТОЕВА,
«Ёш мухбирлар» университети тингловчиси.



Фарғона вилоятининг Ҳамза номидаги ижодкор ёшлар марказида 20 дан ортиқ тўгараклар, клублар, шўъбалар фаолият кўрсатади. Марказ ижодкор ёшларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш билан бирга ўтган йили юз минг сўмдан ортиқ фойда кўрди. Унинг ташаббуси билан турли кечалар уюштирилиб кўргазмалар намойиш этилиб турилади. Яқинда 20 дан зиёд ёш рассомнинг 150 дан ортиқ расмлари вилоят ўлкашунослик музейи залларида намойиш этилди.

СУРАТДА: кўргазма залида.

А. МИРЗАЖОНОВ суратга олган.

Ёшлар ижоди

«АЙТАДИГАН ҚЎШИҚЛАРИМ КЎП»

Эркин Қайтаровни ҳали кўпчилик қўшиқ мухлислари танимайди. Ёши 32 да. Самарқанд вилоятининг Пайариқ ноҳиясидан. У яқинда Тошкентда ўтказилган «Камолот-89» кўрик-конкурсида иккинчи ўринни эгаллади.

— Элга манзур бўладиган қўшиқ айтиш анча мушкул, — дейди Эркин. — Классик ашулаларни жуда ёқтираман. Устоз ҳофизларимиз мароқ билан ижро этган улуғ Навоий, Бобур, Фузулий, Огаҳий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни берилиб тинглайман. Биласизми, мени ҳайратга соладиган нарса нима? Агар ўзбек халқининг минглаб истеъдодли ҳофизлари бўлганида ҳам бизнинг бой хазинамиздаги қўшиқлар ҳеч қачон тугамаган бўларди.

Тўғриси, бу муваффақиятим мен учун кутилмаган бахт. Мен бекорга «бахт» сўзига урғу бериб айтаётганим йўқ. Ишонмассиз, конкурс ғолибларини эълон қилишаётганда ўз номимни эшитгач, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Боиси бор, бу кўз ёшларимнинг. Менга шу кунгача «кун беришмаган». Кимлар дейсизми, қўйинг, шундай қувончли кунимда уларни тилга олиб ўтиришим шарт эмас.

Конкурс анча юқори савияда ўтди. Жюри ҳайъатига кирган кишилар ҳам анойилар эмасди-да! Ажойиб бастакор — Абдуҳошим Исмоилов, таниқли қўшиқчи, «Ялла» ансамблининг бадиий раҳбари Фаррух Зокиров, ёзувчи Нурали Қобул ва бошқаларнинг борлиги конкурс иштирокчилари ҳамда томошабинлар кўнглида анча умидбахш туйғулар уйғотган эди. Шундай бўлди ҳам.

Унда асосан уч нарсага — иштирокчининг ижро услуби, репертуар танлаши ва санъатга бўлган меҳр-муҳаббати, яъни қобилиятига алоҳида эътибор берилди. Жуда пухта ўйлаб қўйилган талаблар. Энг муҳими, ҳар бир ижрочининг ўз услуби ва овозига эга эканлиги биринчи планда турди.

— Умуман олганда, кўрикдан кўнглингиз тўлдими?

— Тўлди. Чунки у бир пайтлар ташкил этилган, кейинчалик унутиб юборилган. «Чашма», «Марҳабо, талантлар!» телеконкурсларининг узвий давоми бўлди десам, янглишмайман. Афсуски аксарият ҳолларда одамлар бундай турли хил беллашувлар ҳақида кеч хабар топишади. Яқинда жумҳуриятимиз бўйича қизиқчилар конкурси бўлиб ўтган эди. Эшитишимча, ўша кунлари одамлар циркка билет топишолмай сарсон бўлибди. Халқимизнинг санъатсеварлигини шундан ҳам билса бўлади. Хуллас, ўша конкурснинг якунигина телевидениедан кўрсатилди, холос. Ахир Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшайди-ку? Улар кўп нарсадан бехабар. «Камолот-89»га ўхшаган кўрикларни энди йилда бир, икки марта эмас, янада кўпроқ ўтказавериш керак. Истеъдодлар кўп. Уларга меҳрибонлик қиладиган одамлар топилмаяпти, холос.

Баъзи эътирозларим ҳам бор. Бундай катта йиғинларда конферансье танлашда шошилмаслик керак экан. Тўғри, Л. Саъдуллаев ва О. Мўминовларнинг тажрибаси анча-мунча ошиб қолган-у, аммо бу ерда Ўткир Сиддиқовга ўхшаган нутқи равон ва тиниқ, мухлислар эътиборини тортадиганларнинг ўрни жуда сезилиб қолди-да!

— Ўзингиз билан кўрикда иштирок этган тенгдошларингиз ҳақида қандай фикр билдирасиз?

— Халқ назарига тушиш, унинг олқишини олиш осон эмас. Мана олайлик, ўшлик Муҳаммадкарим Соипов қўшиқларини биринчи марта эшитдим. Шу жумладан, мухлислар ҳам. Лекин конкурснинг энг олий мукофотини у олди-ку? Шунингдек, фарғоналик Охунжон Мадалиев ҳақида ҳам кам эшитгандим. Энг қувонарлиси, иштирокчиларнинг ном қозонгани эмас, балки ҳақиқий талантига, маҳоратига баҳо беришгани бўлди. Тошкентлик Шомаҳмуд Шораҳмедов ижро этган классик ашулалар бутун залдагиларни ҳаяжонга солиб қўйди. Бахтиёр Умаров, Замира Номозова, Жамила Равшанова, Ғиёс Бойтоев, Муҳриддин Холиқовлар ҳақида ҳам илиқ гапларни айтишим мумкин. Шу ўринда, мени ўйлантирганн кўпчилик дўстларимнинг классик меросимизга сидқидилдан меҳр қўйиб ёндашмаётганлигидир.

— Ҳозирги ўзбек қўшиқчилиги санъатининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган қандай муаммолар бор деб ўйлайсиз?

— Муаммолармн, улар ҳали тўлиб-тошиб ётибди. Энг ёмони — тақлидчилик. У пасайиш ўрнига, янада авж олиб кетяпти. Шунингдек, қўшиқфурушлик ҳам. Оғзига келган ашулани «қўшиқ» деб эл олдига чиқиб, тўй-ҳашамларда айтавериш санъатимиз обрўсига путур етказаяпти. Албатта санъат катта даргоҳ. Унинг остонасини шу вақтгача эҳ-е, қанчалар менман деган ҳофизу-ҳаваскорлар ҳатлаб ўтишмади. Улар орасидан саноқлиларигина халқ назарига тушди, холос. Комилжон Отаниёзов, Тўйчи ҳофиз, Маъмуржон Узоқов — улар тарифу таҳсинларга сиғмайдиган ҳофизлар эди...

Мени қувонтирадигани — ҳозир ўзбек шеърияти бошқа халқлар шеъриятига қараганда анча илгарилаб кетди. Энг нафис шеъру ғазаллар аввало бизда қадимдан яратилган ва ҳозир ҳам яратиляпти. Уларнинг энг яхшиларини қўшиқ қилиш вақти келди. Санъаткорларимиздан айримлари яхши-яхши қўшиқлар ижод қилишяпти. Бу қўшиқлар аллақачон эл оғзига тушиб кетган. Аммо биз тенги ёшлар ҳамон ўртамиёна, бўш шеърларни куйга солиш билан овора бўлиб ётибмиз.

— Севиб айтадиган қўшиқларингиз!

— Булар асосан классик ашулалар — «Насруллойи», «Дугоҳ», «Чоргоҳ», «Сараҳбори оромижон»лардир. Лекин ҳалиям кўнглим тўлмайди. Нега дейсизми? Ўз имкониятларим даражасида қўшиқлар айтолганим йўқ. Ҳали ҳеч нарсага эришганимиз йўқ. Айтадиган қўшиқларим олдинда...

Ҳозир ишлаётган коллективим — Самарқанд шаҳридаги педагогика билим юртида яхшилар кўп. Улар менга яқиндан ёрдам беришади.

Норқобил ЖАЛИЛ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
МАКОНИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА—32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ—32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
Д. — 2311.
Р. — 03034

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.